


24363

10 293



Б. АМИНОВ,  
М. ШОДИЕВ,  
Т. РАСУЛЕВ

# ШАРҚОНА БОЗОР ФАЗИЛАТЛАРИ



97-858

Билол АМИНОВ,  
Мирзакалон ШОДИЕВ,  
Тулқин РАСУЛЕВ

**ШАРҚОНА БОЗОР  
ФАЗИЛАТЛАРИ**

Тошкент  
"Университет"  
1996

НО

**ҲОМИЙЛАРИМИЗ:**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ**

**ХАЛҚАРО “НАВРЎЗ” ХАЙРИЯ  
ЖАМҒАРМАСИНИНГ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ**

*Масъул муҳаррир:*  
Дадахон ЁҚУБОВ

24363  
НО 233

1997 | ЎзССЖ ДК  
858

"ЭЛСАНО" илмий-маданий ахборот фирмаси  
буюртмаси асосида чоп этилди.

© "Университет" нашриёти, 1996 й.



"... Ҳозир биз демократик адолатпарвар жамият, қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат қуриш учун яшаётган ва меҳнат қилаётган бир даврда бозор муносабатларига қандай маънавий-руҳий асосда ўтаётганлигимизга бефарқ қарай олмаймиз.

... Бозор муносабатларига ўтиш-ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига ҳос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнглига келган ишни қилаверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият бераяпмиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин..."

*Ислом КАРИМОВ*

## ЭНГ ТИНИҚ ЧАШМА

Ҳаётни қизиқ ва мураккаб, дейдилар. Инсон яшар экан ўзига хос ва мос турмуш тарзини яратади, ана шу яратганига кўникиб-ўрганиб ҳаёт кечиради, вақт келадики, турмуш тарзи қандайдир кучлар билан тўкнаш келиб инқирозга юз тутаяди. Лекин ғоя ўлмайди. Тарихнинг шундай қатъий бир қонуни борки, унда бўлиб ўтган, зарҳал саҳифаларига ёзилган, халқ қалбига сингиб кетган ва ҳаёт учун зарурий одат анъаналарга айланган қадриятларни ҳеч қандай куч-ғоя ўзгартира олмайди.

Дунёдаги ҳар бир халқ узок асрлар давомида ўзлигини сақлаб қолаверади, лекин замон ва тараққиёт тақозоси билан урф-одатлар мукаммаллашиб, гўзаллашиб, ранг-баранглиги ортиб, умуминсоний қадриятларга айланади, натижада бир миллатнинг ўзлигини билиши ва одат-анъаналарининг янги сифатлар билан бойиб бориши бошқа халқларнинг турмуш тарзини фасоҳат билан озиқлантирадиган энг муҳим омилга, маънавий об-ҳаётнинг бсбаҳо чашмасига айланади, бундай миллат буюк давлат яратади.

Шарқона гўзал урф-одатлар шу тахлит минглаб йиллар давомида шаклланиб, шон-шуҳрат билан доврўғ таратди ва умуминсоният маърифат-маданиятига бекиёс маънавият зиёсини бағишлади. Шарқ халқлари савдо қарвонлари ва элчи-сайёҳлари орқали дунё мамлакатлари билан дўстона мулоқот қилганликларини милоддан олдинги тарих варақларига муаррихлар олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйган-

лар, дарҳақиқат миллатлараро алоқаларнинг мустаҳкамланишида, халқ анъаналари, урф-одатлари, расм-русмларининг такомиллашишида, умуман ҳаётнинг гуркираб ўсишида савдо-тижорат кенгтарҳон йўлга қўйилганлиги ойдек равшан кўриниб туради.

Ўзбек халқининг қадимдан удум бўлиб келаётган одат-анъаналари шу қадар ранг-баранг, шу қадар бой ҳазинаки, унда миллатнинг ақли донишлиги, одабийлиги, Она-ватанни севиши, дўстпарварлиги, меҳмоннавозлиги, бағри кенглиги, ўз-ўзликни билиши, захматқашлиги, ҳунармандлиги, сабр-бардошлиги, ростгўйлиги, ҳалоллиги, ишонувчанлиги, ҳусни-одобни, тинчлик-хотиржамликни, осойишталикни севиши, жасурлик ва фахрланиш каби юзлаб хислат-фазилатларнинг мужассамлашганлигини кўрамиз. Ўзбеклар қонига бу фазилатлар бобо-момоларимиздан узоқ асрлар оша сингиб келаётганлиги сир эмас. Шундай экан, XXI аср арафасида нафас олаётган биз, мустақилликка эришган бахтли авлод большевойлар замонида жудо бўлганимиз-халқимизнинг кўхна тарихини ҳар тамонлама пухта ўрганиб, унинг ҳозирги тезкор ҳаёт жараёнимизга асқотадиган ибрат-сабоқларидан унумли фойдаланишимиз зарур. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва буюк давлатни барпо этишимизда халқимизнинг ана шундай қадимий удум-анъаналарини, расм-русум ва урф-одатларини тиклаб давр тақозосига мос янгиликлар билан бойитмоғимиз керак.

Ўзбек халқи "Бир йигитга қирк ҳунар оз" маталига амал қилиб, юзлаб ҳунарларнинг моҳир



сохиби бўлганки, улар ихтиро қилган ва қадок қўллари билан яратган буюмлар одамларда ҳайрату тасанно туйғусини уйғотган. Халқимиз савдо-тижоратда ҳам обрў-шуҳрат топганлигини тарих унутгани йўқ. Ўзбеклар савдогарликни ҳунарларнинг гули, деб атаганлар. Кунчиқардан Кунботарга қадар, Оврупо мамлакатларидан ўтиб “сўнги денгизгача” қарвонлари қатнаб турган. Хитойдан бошланиб бутун Марказий Осиё бўйлаб ўтган, Машриқ билан Мағрибни дил риштаси каби боғлаган Буюк ипак йўлида ўзбек савдогарлари алоҳида жонбоз ва фидокор бўлганлар. Ипак йўли бўйлаб савдогарлар от, эшак, қўтос, хачир, туяларда мамлакатлардан мамлакатларга турфа мол-буюмлару, ноз-неъматларни эл-элатларга нон-насиба қилиб етказиб берганлар. Савдогарлар она юрт роҳатидан, оилаларидаги ҳузур-ҳаловотидан кечиб тоғ ошиб, чўл-саҳроларни кезиб, узок масофаларга йул азобини чекиб борганлар, савдосотикда куюб-пишганлар, олди-сотди ишларида муомала-муносабатни ўрнига қўйганлар, бошларидан ҳар хил савдоларни кечирганлар, улар бир неча тилни, миллатлар дилини ва урф-одатларини билганлар, ҳаёт тақозосини, даврнинг аъъаналарини чуқур тушунган, ақли зукко, зариф ва зарофатли ҳалол инсонлар бўлишганки, уларни подшоҳлардан тортиб оддий фуқароларгача ҳурмат-иззатда тутганлар.

Савдогар аҳлининг яна кўпдан-кўп яхши хислат-хосиятлари бўлганки, буларни бирма-бир санашнинг мавруди эмас, фақат шуни айтиш мумкинки, бутун бир мамлакатнинг табаррук



дастурхони бўлмиш бозорни бойитишда соҳибкор дехқонлар, хунарманшлар қаторида уддабурро савдогарлар меҳнати муҳим омил бўлган ва шундай бўлиб қолиши керак. Халқимиз илгари “Савдогар” деганда доно, зариф, ҳалол, элим-юртим деб қуюнадиган, ўша машҳур “Ўтган кунлар” романидаги севимли қаҳрамонимиз Отабек каби комил инсонни тушунганлар. Шўро даврида бойбадавлат кишилар “қулок” қилиниб, қатл этилиб, сургунга жўнатилиб йўқотилганидек, ҳалол савдогарлар болшовойларнинг савдо-сотикдаги қаллобона тизимлари туфайли бадном бўлдилар, улар гуё ҳаромхўр, олғир, юлғич, халқ мулкини пештахта ортида туриб ўмарадиган туллак киёфасига кириб қолдилар.

Мустақил Ўзбекистаномизда савдогарлик хунари қадимий обрў-эътиборини, шон-шухратини ва гўзал фазилатларини қайта топиши керак. Яхши ният билан айтамызки, халқимиз орасидан савдогарлик касби-хунарига иктидорли, қобилияти ва истеъдоди бўлган кишилар кўпайиб етишиб чиқади. Жаннатмакон диёримиз бойликлари бозорларимизни рангоранг ноз-неъматлар билан тўлдириши қаторида, тижоратчи-савдогарлар кўпайиб уддабурронлик билан, иш кўзини билиб хорижий мамлакатларнинг моллари билан бозорларимизни тўлдирадилар. Энциликда бозор муносабатларининг ўзига хос қатъий мантиқи бор. Бу мантиқнинг маъноси шуки, ким шижоатли, ақлли, тадбиркор, саводли, хунарманд, чўрткесар, меҳнатқаш, таваккалчи, ҳалол бўлса, у яхши яшайди ва бой ҳам бўлади. Кимда-ким ялқов, танбал, ишёкмас, хунарсиз,

саводсиз бўлса, у ҳеч сўзсиз четда қолади. Шундан хулоса чиқарсак, бозор ҳар бир инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун катта имкониятлар беришини билиб олишимиз қийин эмас. “Шарқона бозор фазилатлари” китобини тарих фанлари номзоди таниқли элшунос олим Билол Аминов, иқтисодчи олим Мирзакалон Шодиев, истеъдодли қаламкаш, Республикада хизмат кўрсатган журналист Тўлкин Расулев ҳамкорликда кўп тарихий-замонавий воқеа-ҳодисаларни чуқур ўрганиб, латифона сайқал бериб яратишган.

“Шарқона бозор фазилатлари” китоби шуниси билан фойдалики, мустақил Ўзбекистонимизда савдо-сотик муносабатларида, мўл-кўлчиликни яратишда, савдогар-тижоратчиларнинг ҳалол меҳнатларини кадрлашда ёшларимизнинг хунар-касб танлашларида, ўтмишни билишга чанқоқ кишиларни тарих ва кадриятларимиз билан таништиришга хизмат қилади.

Донишмандлар “Қайси мамлакатнинг олиму фозиллари ва савдогарлари кўп бўлса, ўша эл-юрт бадавлат бўлади”, дейдилар. Халқимиз орасида бундай истеъдодлар кўп. Шунингдек, ўзбек диёрининг тупроғи олтин, сувлари қавсар, ҳавоси мусаффо, қуёши саҳий, одамлари мохир соҳибқору миришқор, деб таъриф этадиларки, у дунёда энг бой ва қудратли давлатга айланади. Бунга умидимиз катта ва ишончимиз комил! Бозорларимиз пештахталари ноз-неъматлару, мол-буюмларга қанчалик бой ва сероб бўлса, меҳнатқаш халқимизнинг фаровонлиги ошади, турмуш тарзи шунчалар гўзал, тўқис-туғал, қут-баракали бўлади.

“Яхши ният-ярти мол”, дейдилар. Ўзбекистон Республикасининг Президенти, доно ва зукко йўл-бошчимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов Сирдарё фаолларининг анжуманида сўзлаган нутқларида чин дилдан ният қилиб бундай деган эдилар: “...агар мендан Президент, давлат рахбари сифатида юрагингдаги энг катта, эзгу ниятинг нима деб сўралса – Оллоҳ таолога минг шукронолар айтиб, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик сўрардим, халқимизнинг ризқини, насибасини сўрардим, ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг бахтини илтижо қилардим”.

Улуғларнинг холис нияти башоратли бўлади. Ўзбекистон мамлакатимиз мустақилликка эришган қундан азиз юртбошимиз Ислон Каримов етакчиликларида нурафшон манзил сари изчил, дадил ва ғолибона бораяптики, буни халқимиз фаровонлашаётган турмуш тарзида кўраяпти, мунаввар Ўзбекистон – келажаги буюк давлат бўлишига кун сайин камолот кашф этмокда.

Ғофур ЮСУПОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо  
ходими, собиқ савдо вазири,

Зафар ФАЙЗИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси “Ўзбексавдо”  
Уюшмаси Бошқаруви раиси



## БИР ШИНГИЛ ЯХШИ НИЯТ

### *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

Оллоҳ-таолога чексиз ҳамду санолар бўлсинки, улуғ эгам ўн саккиз минг оламни яратиб, бутун мавжудоту маҳлуқотга ҳаёту нажот, ризку рўз ато этиб ҳаммасини меъёр-маромида, ўрни-ю мақомида, бежоглиқ-бадастир ҳолатда чеварлик билан парваришлаб, тарбиятлаб қўйибди. Оллоҳ Одамни Ердаги ўз ҳалифаси деб азизу мукаррам қилиш баробарида унга ўткир ақлу идрок, бурро забон, ажойиб шакл-шамойил, турфа таому либослар, бутун мавжудотни, жумладан набототу маҳлуқотни ўзига бўйсундира олиш хусусиятини, хуллас жамики зарурий нозу-неъматлар ва роҳат-фароғатли нарсаларни яратган. Оллоҳ бандасига иймон-этикод, инсоф-диёнат, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, хурмат-иззат, оқибат, ўзаро муомала-мулоқот сингари юзлаб гўзал хислатларни ҳам инъом этганки, буларнинг ҳаммаси одамзотнинг ҳаёт кечириши учун зарурий омиллардир.

Одамлар ўз умрларини бир-бирлари билан ҳамдан-ҳамнафас, ҳамкор-ҳамжихат, ҳамфикр-ҳамдард бўлиб, ўзаро муомала-мулоқот билан ўтказадилар. Ҳеч ким танҳо яшолмайди, машойихлар зикр қилганларидек, ёлғизлик фақат Оллоҳга хосдир. Буюк шарқ файласуфи Муҳаммад ал-Ғаззолий: “Одамий ҳамма ҳожатини ўзи тамом қилолмас” деганларки, чиндан-да бу дунёда ҳеч кимса яшамок талаб-эҳтиёжларини бир ўзи асло

кондиролмайдди. Одамлар дўст-биродарликда ёнма-ён яшаб, узоқ-яқин билан алоқа боғлаб ҳаёт кечириш учун зарур бўлган бир-бирларининг барча талаб-эҳтиёжларини, заруриятларини ўзаро таъмин этадиларки, буни биргина эрта саҳардан одамлар тўпланишиб бозорда қиладиган муомала-мулоқотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бозор жуда қадим-қадим замонлардан бери бўлган, ҳаёт давом этар экан, одамзоц яшар экан бозор бўлади, даврларнинг талаби ва одамларнинг ақл-ицрокиннинг ўсуви билан бозор ривожу равнақ топаверади!

Хўш, шундай экан, бозор нима? Бозорнинг хосияти, фазилати, хусусияти қандай? Уни нима учун ўрганишимиз керак? Бозор фазилатлари одамларга қандай фойда беради? Келинг, кичик шу рисоламизда ўзбек халқимизнинг бозор билан алоқадор миллий урф-одатлари, қадриятлари ҳақида дилкашона суҳбатлашайлик.

### БОЗОР ТАЪРИФИ

Бозор қизик жой! Одамларнинг завкли шовқинию, гувраш оҳангларига қулоқ тутиб турсангиз, шунча товушу-овоз қаёқдан келаётганига ҳайрон бўласиз, кейин худди четдан учиб келиб ўз галасига шўнғиган қушдек сиз ҳам беихтиёр бозор одамлари даврасига кўшиласизу, боягина ўзингиз ҳайратланган шовқин-оҳангларга ўз овозингиз билан ҳисса қўша бошлайсиз, шу тариқа бозор

шовқини яна бир товуш ҳисобига зўраяди. Одамларнинг жуфт-жуфт, тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб “олди-сотди” мулоқотларига берилиб кетасизда, кўп ҳангома-ажойиботларнинг, кизик воқеа-ходисаларнинг, афти-ангорлари турфа шакл-шамойилдаги одамларнинг муомала-муносабатларининг гувоҳи бўласиз, ранго-ранг нозу-неъматлару, минг турли мол-буюмларни, антиқа асбоб-анжомларни кўриб кўзларингиз дам ўчиб, дам шуълаланаётган чўғдек “ялт-юлт” этиб харид кила бошлайсиз.

Одатда, Она Ўзбекистонимизда бозор эрта саҳардан бошланади. Машҳур шоир Зайниддин Восифий ибораси билан айтганда, “Субҳи содикнинг барра мушуги ложувард кўра гумбази чиннихонасига югуриб кириб, порлоқ юлдуз-чинни идишларини осмон тоқчаларидан тушириб юборган” пайтдан бошлаб гумбазлари ичидаги пештахталарни деҳқону тижоратчилар нознеъматлару, турфа мол-буюмлари билан юлдуз тўла осмондан минг чандон гўзал этиб безатиб харидорга мунтазир турадилар. Кўп ўтмай, гўё жилғалар бир ерга йиғилиб кўл ҳосил қилганидек, ҳар томондан топган-тутганини кўтариб ва рўзғор-турмуши учун керакли нарсаларни харид қилгани ташриф буюрган кишилар билан бозор гавжум бўлиб кетади, гурунғ, шовқин, гувраш оҳанглари самога таралади, бу манзара; ўзбекона бозорнинг шукуҳи, табиати ва рамзидир.



## ШАРҚОНА БОЗОР ҚАДРИЯТИ

Шарқ бозори – мўъжизавий бир олам! Бир бозор ичида – минг бозор бўлади, бозорларда, нақдда айтилганидек, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилади. Ўзбек боғлари-ю, дала полизларида шира-шарбат боғлаб пишиб-етилган минг хил ноз-неъматларни кўриб, одам ҳайрат-ҳаяжондан: “Жаннат-ку бу!” деб юборади.

Шарқона бозор деганда яқин ўтмишдаги Чорсу бозорининг таъриф-тавсифини хаёлан кўз ўнгимизга келтиришимиз ҳам кифоя.

Чорсуда, Кўкалдош мадрасаси каршисидаги бир терак бўйи чуқурликда катта булоқ доим биқирлаб кайнаб ётар, уни “Ҳазрати Уккоша булоғи” деб аташар эди. Бу булоқнинг атрофи ғишт-семон билан пардозланган, усти том қилиб ёпилган эди. Чорсу суви ариғининг бўйлари доим текисланиб, озодалаб қўйилар, ёз кунлари узок-яқиндан бозорга келувчилар шу булоққа тушиб иссиқ тафтини босиб олар, шифобахш сувидан ичиб роҳат қилишар эди. Таассуфки бу булоқ қалтабин лойихачилар айби билан ҳозирги “Чорсу” меҳмонхонаси остида кўмилиб кетди.

Чорсу ариғининг тахта кўпригидан ўтилиб, Кўкалдош мадрасаси ёнидан бозорга кириб бориларди. Саратон жазирамасида чанқаган одамларга саққолар муздек сув тутишарди. Саққонинг елкасидаги мешча сув, қўлларида заранг коса, ким сув сўраса косага қўйиб: “Оби худойи!”

деб бакирар, сув ҳақини сўрамас, бир-икки танга-чака берилса “рози бўлинг” деб олар эди.

Кўчаларда ош, кабоб, ковурилган балик, сомса, манти, лағмон, хил-хил пишган калла гўшти, хасип, думба ёғи, кази-қарта, нўхат-шўрак, бодрок, холва, обакидандон каби неъматларни сотаётган эгалари таомларини барала макташар, бир томонда ҳофиз қориларнинг ҳониши, яна бир томонда жанда кийган қаландарларнинг Аҳмад Яссавий ҳикматларини талкин қилиб ўқишлари...

Қадимда бозор ҳозирги тўнтарилган қозонга ўхшаш гумбаз остида эмас, кенг-тархон расталар, ён-тевараги очиқ ва баҳаво тимларда бўлувчи эди. Чорсудан бошланиб то Эскижўва яқинигача “Чорсу бозори” аталган. Машҳур ёзувчи Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулло Қодирий бу бозор ҳақида ёзиб, “ҳамма бозор-кўчалар усти тунука том билан қопланган, кишин-ёзин қуёш тушмас эди”, деб таърифлайди. Нима учундир, ўша пайтдаги болшавойларнинг жинига ёкмацими, 1928-1929 йилларда бу ажойиб тунука томлар ёппасига бузиб ташланди.

Шарқона бозорларда энг муҳими саришталик, тартиб ва интизом йўлга қўйилган эди. Бозорлар ноз-неъматлар ва мол-буюмлар турига қараб расталарга бўлинган эди. Масалан, қовун бозори. Четан араваларга қовун, тарвуз, хандалак, бодрингларини ортган деҳқонлар туни билан йўл босиб бозорга етиб келар, араваларни қатор тизишар, отларини чиқариб арава шотисига боғлардилар-да, олдига беда солиб ўзлари чойхонада ёки арава тагига кириб ухлашар, саҳар туриб

харидорлар билан савдони бошлаб юборишар эди. Ковун-тарвуз доналаб (ҳозиргидек тарозида тортиб эмас), улгуржиги аравалаб сотиларди. Дехконлар четан ичидагидан ташқари, арава олдига бир неча пачок, сал ёрилган, уринганрок қовунларни кўйиб кўйишар, бунақа қовунларни “кўйма қовун” деб аташар, кўпинча уларни болаларга ёки бева-бечораларга текинга, нари борса арзон баҳога бериб юборишар эди.

Бозорларда даллолларнинг “Бор барака!” деган кичкиришлари, “Барака топинг!”, “Рози бўлинг!”, “Топганингиз яхшиликка буюрсин!”, “Тўйга яратинг”, деган ширин тилаклар бот-бот янграб одамларга жўшқин кайфият бағишлар эди.

Бозорга келувчилар: “Фалон нарса борми ёки фалон нарсани бутун бозор бўйлаб қидириб тополмадим” деб овора-сарсон бўлмас эди. Мол турларига монанд қатор-қатор раста бозорлар ўз ўрнида харидорга мушток турарди.

Эски шаҳар бозори қуйидагича тартибда эди: атторлик, совунгарлик, чархчилик, пичоқчилик, темирчилик, мисгарлик, бешикчилик, дугчилик, тароқчилик, кулолчилик, чегачилик, заргарлик, саррофлик, саррожлик, саҳҳоблик, баззозлик, чийфурушлик, тикувчилик, чопондўзлик, дўппидўзлик, маҳсидўзлик, этикдўзлик, кавушдўзлик, тунукачилик, тақачилик, гилам, наMAT, бўйра, носвой, тамаки, гул, хўчат, кандолат, гуруч, бугдой, мош, майиз, хўл мева, сабзавот, қассоблик, аллопник каби қаторма-қатор раста бозорлар тизилиб кетган эди. Кимга нима мол-хол керак бўлса, ўша нарса сотиладиган бозорга ўтиб осонгина харид қилиб



кетаверар эди. Мол-буюмларнинг ўз раста-бозорида сотилиши харидорларга ҳар жиҳатдан қулай бўлиш билан бирга, шу нарсаларнинг оз-кўплиги яққол кўриниб турар, харидор “ўнни кўриб, бирни танлаб олар” эди.

Бозор ичи ва ён-теварагида ҳар хил катта-кичик дўконлар, устахоналар, сартарошхоналар, чойхоналар, шунингдек курашчилар, дорбозлар, кўғирчоқбозлар томоша кўрсатадиган майдонлар завқ-шавққа тўлган одамлар билан гавжумлашиб кетарди. Айниқса, кечга томон бозорлар сув сепилиб-сидирилиб, чойхоналар чойхўрларга лик тўлар, тут ва тол дарахтларга илинган тўрқовокларда сайроқи беданалар гал бермай сайрар, қаландарлар ҳамду сано ўқир, хофизлар ликопча тутиб ашула қилар, самоварчининг чаққон бачалари чой ташиб чарчамасди.

Бозорларнинг энг серқатнов майдонларига ёки маҳаллаларнинг обод гузарларидаги сайхон жойга дор қурилиб, ўйин-томашалар кўрсатилар, халқ ичидан етишиб чиққан дорбозу аскиячилар элни хушнуд этар, ҳар ким химматига қараб уларнинг маҳоратларига ярашиқ пулми, тангами берар, дорбозлар яхши тилаклар айтиб одамларни дуо қилар эди.

Шарқона бозорнинг умумий кўриниши ва физи-таровати шу қадар жозибалики, уни минг бор ифодалагандан бир бор кўрмоқ, гашти-сурурини ҳис этмоқ одамга жуда катта руҳий куч-мадад беради.

## БАРАКОТЛИ ДАСТУРХОН

**БОЗОР** – табаррук жой! Эл-юртнинг ризку-рўзи бозорда бўлади. Захматкаш халқ топган-тутганини, йиingan-тўплаганини ақл-заковати ва қўл кучи қудрати билан она ердан етиштирган ноз-неъмат бойлигини олди-сотди тарзида алмашадиган, турмуши-яшаши учун зарурий нарсаларни харид қиладиган манзилгоҳ бозор ҳисобланади. Деҳқону соҳибкор, ғаллақору чорвадор, ҳунарманду савдогар – ҳамма ўз мол-мулкини, анжом-буюмини, хуллас хар ким топганини бозорга олиб келади. Бозор – бутун бир эл-юртнинг бойлиги ва тадбиркор кишиларнинг уздабуронлигини намоён этидиган, файзу тароватини кўзгудек кўрсатадиган, миллатнинг обрў-шуҳратини белгилаб берадиган мўътабар манзилгоҳ ҳисобланади.

**ХИКОЯТ.** Бир ёш шахзода узоқ мамлакатларга сафар қиладиган бўлибди-ю, пири-устозидан сўрабди:

– Саёҳат чоғи эл-юртни танимоқ учун нималарга диққат-эътибор қилай, устоз?

– Дунёнинг қайси бир мамлакатига борсанг, ўша эл-юртнинг уч жихатига разм-эътибор бер! – дебди устози. – Даставвал, мазорини, кейин бозорини, сўнг эл-улусининг муомала-муносабатини кузат! Мазорини зиёрат қилганинда ўша мамлакат одамлари авлод-ажлодларини ва ўз қадриятларини қанчалик эъзозлашларини билиб оласан. Сўнг бозорларини айлансанг, тирикчиликларини, турмуш тарзларини ва кайфиятларини

сезасан. Муомала-муносабатларини кузатсанг — одамларининг хулқу одобини ва бир-бирларига меҳр-оқибатлари қанчалик эканини ўрганиб оласан!

Чин-да, ҳар бир мамлакат шаҳарига унинг бозорининг тўкин-сочинлигига, саришта-тартибига қараб баҳо берилади, зеро бозор фаровонлиги халқнинг тирикчилик даражасини белгилайди. Четдан келган меҳмон бозор айланиб, шу шаҳар аҳолисининг турмуш маншатига: “Ҳа, бу халқ шундай яшар экан” деб хулоса чиқаради.

Қадимдан қолган нақдда ҳам, бозор — халқ турмуши мезони эканлиги зикр этилган: “Юртнинг бойлигини, элнинг кайфиятини билишни истасанг, бозор оралаб кўр”, деб бежиз айтилмаган. Қайси юртнинг одамлари заҳматқашу миришкор бўлса, тупроғи ҳосилдор, иқлим-хавоси жозибадор, сувлари кавсар ва мўл-кўл бўлса, ўша ерда тўкин-сочинлик, тўқлик-фаровонлик, файз-тароват бўлиши сир эмас. Айниқса, оддий чўп-новдани ерга сукиб қўйсанг ниҳол бўлиб мева берадиган ўзбек тупроғининг, унинг боғ-роғлари, серҳосил далаларининг ноз-неъматлари ҳусну-жамолини бозорларда кўрганда қанчалар фаҳр-ғурурга тўламиз (Қаранги, жаҳонгашта кишилар таъриф-тафсил этишларича, дунёнинг бирор мамлақатида мева-чевалар Ўзбекистон тупроғида етилганидек ширин-шакар бўлмас экан, бизнинг мевалар қанту асал эмиш. Баҳорнинг шифобахш кўкатларидан тортиб, ёз ва олтин кузнинг анвойи нозу-неъматлари йилнинг тўрт фаслида бозор пештахталарини анвойи тусларда товлантириб туради, хорихдан келган сайёҳлар мева-чеваларимизнинг сархиллиги-



га, мато-буюмларимизнинг нозик дид билан тайёрланганлигига, миллий кийим-либосларимизнинг ранго-ранг жилоланишига таҳсин-тасаннолар айтишади. Файласуф шоир Максуд Шайхзода “Тошкентнома” достонида шаҳар бозорини мадҳ этиб ёзди:

Ҳеч қаерда Тошкентчалик, балки бозор топилмас,  
 Ҳафтамизнинг етти куни раста-дўкон ёпилмас.  
 Нонин, гўштин, қандолатин, майизинми айтайин,  
 Паловини, тар мевасин, кимизинми айтайин?

Тошкент бозори – жаннат жамоли! Зеро, “Тошкент бозорида одамнинг жонидан бошка ҳамма нарса топилади”... Шу ўринда “Отанг бозор, онанг бозор” деган машҳур ибора бекор айтилмаган.

Шарқ мамлакатларида жуда қадим замонлардан ҳозирги кунларгача бозор одамларнинг ўзаро мулоқот қиладиган анжуман маркази, олди-сотди, борди-келди маскани бўлиб келди. Бозорнинг хосияти, бойлиги, фазилатини таъриф этиш анча кийин. Агар бозорни фаровон оиланинг ўз азиз меҳмонларига тузаб қўйган тўкин-сочин дастурхонига қиёслайдиган бўлсак, “Ўзбек бозори – Ўзбекистон мамлакатининг баракотли дастурхони!” дейишимиз жоиздир.

## ЎЗ ХИСЛАТИ, ЎЗ ФАЗИЛАТИ

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўз одати, хислати ва фазилати бор. Халқ одатда ота-боболари, момолари, умуман авлод-аждодларининг урф-одатларини, расм-русмларини, анъана-қадриятларини ҳаётда қўллаб, шунга биноан турмуш тарзини, яшаш шароитини мослаб кечиради. Авлод-аждодлар ўзларининг ҳаётий тажрибалари асосида турли одат-анъаналарни яратадилар.

Ҳар бир халқ ўзи яшайдиган жойнинг об-ҳавоси, суви, иклими, тупроғи ва табиий шароити билан мослашиб, шу минтақанинг муҳити билан омукта ҳолда ҳаёт тарзига эга бўлади. Олдий бир мисолни айтиш мумкин. Масалан, муз уммони ҳудудида яшовчилар учун хил-хил шойи кўйлақлар, чанқовни босадиган қовун-тарвузу, тар мевалар, музлатгичу елпиғичнинг ҳожати йўқ! Совук ўлкаларда яшовчи эл-элатларга табиат ўзи буғу, тулень, балиқ, оқ айиқ каби серёғ неъматларни ато этиб қўйган. Худди шунингдек, ёзлари жазирама жануб халқлари учун ширин-шарбат ва қувват бўладиган неъматларни ҳам табиат ўзи мослаб яратган.

Халқ қанчалик миришқор, билимдон, саъйи-гайратли бўлса, туриш-турмуши ҳам, смак-ичмаги ҳам, кийим-кечаги ҳам гўзаллашиб, бойиб, турланиб, маданийлашиб боради ва умрнинг мазмун-маъносини, яшашдан мақсадини, энг муҳими ўзлигини яхши танийди ва инсонийлик фазилатларини эгаллайди, бундай халқ меҳнатқаш,

жафокаш, дилкаш, оқил, одил ва софдил бўлиб танилади. Ўзбек халқимизда мана шундай инсоний фазилатлар борки, буни миллий одат-анъаналарида, ҳаёт тарзида ва миллатлараро муомала муносабатларда кўрамиз.

Ўзбек ва бошқа туркий халқлар яшаган бепоён Турон мамлақатида не-не деҳқонлар, соҳибкорлар, галлакорлар, не-не хунармандрлару, олиму фозиллар ўтганки уларнинг ҳаёт тажрибалари, яратган бойликлари ва ажойиб одат-анъаналарини ифодалиш, жилд-жилд китоблар битиб таъриф этиш қийин!

Она Ўзбекистон тупроғида етишадиган ширин-шарбат ўрик, олма, шафтоли, олхўри, анжир, анор, узум, писта, бодом, патинжон, боцринг, карам, лавлаги, бақлажон, қовок, хандалак, қовун-тарвуз каби юзлаб ноз-неъматларни, гуруч, буғдой, мош, ловия, нўхат, сули, тарик, маккажўхори каби яна юзлаб дон-дунларни экиб-ўстириб бозор пештахтасига олиб чиқадиган деҳқон қўлларига таъзим-тасаннолар бўлсин. Санаб ўтилган ноз-неъматларнинг ҳар бирининг бир неча турларини ва улардан тайёрланадиган минглаб хил таомлар ва бошқа масаллиқ-озикларни ҳисоблаб бозор пештахталарида ҳаёлан намойиш этсак, буларни кўриб ақлимиз шошиб қолади.

Ўзбек бозорида қуш гўштидан тортиб, кимизу қимрон, яна улардан тайёрланган юзлаб хил лаззатли таомлару пишириклар эрта саҳардан қоронғи тунгача харидорини кутади. Ҳеч қаерда пазандалиқ мактабини ўқимаган, лекин қўли болу асал моҳир ўзбек пазанца аёллари пиширган хил-хил калла



гўшти, ҳасип, кабоб, думбали-пўстдумбали нўхатшўрак, манти, норин, сомса, хоним, яна ўнлаб хил лаззатли таомлар бозорга ўзига хос файз, барака ва чирой бағишлаб туради.

Ўзбек бозорида хунарманд-усталар кўли билан тайёрланган юзлаб уй-рўзгор буюмларини айтмайсизми! Бешик, беланчак, сумак дейсизми, хонтахта, кийма тахта, аспичоқ дейсизми, сандик, кути, кутичалар дейсизми ҳаммаси миллий нақшда, ажойиб ранг-бўёқлар жилоси билан безатилган ҳолда тайёрланишига тасанно айтасиз!

Ўзбек бозорини кўздан кечирганда, бу халкнинг косиблари ажойиб пойафзаллар – амиркон махси, амиркон ковуш, шиппак, этик, эркаклар ва аёлларга бежирим, илоннинг оғзидан чикқандек антиқа пойафзаллар тикишганини, бу оёқ кийимлар пухта, чидамли, тепкилаб-тепкилаб кийганда ҳам таг чарми кўчиб кетмайдиган, оғзи кийшайиб қолмайдиган, кўпга чидайдиган ва ноёб эканлигини кўрамиз. Меҳнати оғир косиблар ҳеч қачон сунъий ёки одам сихатига зарар етказадиган мато-буюмлардан пойафзал тайёрлашмаган, ҳалол ва софдил бўлишган, сотувда ҳам “осмондан келмай” пойафзалга кетган буюмнинг қимматини ва меҳнатлари ҳақини аниқ ҳисоблаб нарх кўйишган.

Ўзбек бозорларида халқимизга қадимдан бир баҳя яқин соҳа – тўқимачилик саноати маҳсулотлари “кўз-кўз” қилиб сотилган. Баъзи ғарблик калтабинлар очикдан-очик “Ўзбекларда тўқимачилик саноати бўлмаган” деб камситдиларки, уларга биргина атласимизнинг тўкилиш жараёнини кўрсатиш кифоя! Ўзбек бозорларида атлас, беқасам,

қалами, банорас, шойи, чит, бўз, сатин, дока, яна ўнлаб хил не-не газмоллар сотилиб келган, буларни минг йиллар давомида халқимиз ўзи етиштирган хом ашёдан ўзи тўқиб дунёда довруғ таратгани тарихдан маълум, тарихни эса ҳеч ким бузолмайди ва йўқотолмайди.

### БОЗОРИ ШАБ – ТУНГИ БОЗОР

Дунёда аҳоли зич-гавжум яшайдиган манзилгоҳлар борки, ўша жойда бозор барпо бўлади, одамлар ўзаро мулоқот-муносабатда бўлиб мол-ҳол айиррабошлайди, савдо қилади, рўзғори учун зарурий нарсаларни бозордан топади. Айниқса, йирик шаҳарларни бозорсиз тасаввур этиш қийин, агар бундай жойларда кўп эмас, икки-уч кун бозор бўлмай қолса, худди катта шаҳар сувсиз қолгандек хунук ҳолат юз беради. Ўзбекистон ҳудудидаги барча шаҳар, шаҳарча ва йирик қишлоқларда турли бозор ва бозорчалар бор. Уларнинг номлари ҳам ўзига ярашган: кўй бозори, мол бозори, чоршанба бозори, якшанба бозори, жой номлари билан боғлиқ бозорлар... Эҳ-э, айтаверсак уларнинг сон-саног'i йўқ. Қарангки, халқимиз бозорларни севиб-ардоқлаганидан: “Отанг – бозор, онанг – бозор” деган нақлни ҳам тўқиб қўйибди. Шарқ мамлакатларининг йирик шаҳарларида қадим-қадимдан бозори шаб – тунги бозорлар бўлган ва ҳозирда ҳам бор. Афсус-надоматлар бўлсинки,

Ўзбекистон шаҳарларида, жумладан Тошкентдек шаҳри азимда қизил салтанатнинг дастлабки даврида, 20-йиллардаёқ Тунги бозорлар йўқотилганча ҳамон ўнганмай келмоқда.

Тошкентлик кекса отахонларнинг ҳикоя қилишларича, Шайхонтоҳур мавзесида бозори шаб – Тунги бозор жуда файз-тароватли бўлган экан. Шу ҳақда Самарқанд дарвозалик 90 ёшли Убайдулла Муҳаммадрасул ўглининг хотирасини келтирамиз.

– Шайхонтоҳурдаги бозори Шабни аниқ эслайман, – дейди Убайдулла ота. – Шаб – Тун дегани, кечаси бўладиган бозор шунақа дейилади, у пайтларда иликтир чироклардан, чойхоналар шифтларига осилган катта чирок-лампалардан таралаётган нурлардан ҳаммаёқ мунаввар бўлиб кетарди, одам гавжум, олди-сотди кизирди. Кушдузги иш-юмушлари билан рўзғорига керакли нарсаларни олишга улгурмаган ёки уйига тўсатдан меҳмонизлом келиб қолиб бирор нарсага зарурат сезганлар шу тунги бозордан истаганларини харид қилиб, ишларини битириб кетишарди.

Убайдулла отанинг бу гапларига ҳеч бир изоҳ-тушунтиришнинг ҳожати йўқ! Зеро, иш билан бўлиб бозор-ўчарга улгурмаганларга, меҳмонизломга тўсатдан зарур бўлган нарсаларни харид қилишга имкон-илож яратиб қўйилган бундай ҳожатбарор бозорга, уни ташкил этган ақли зукко шаҳарнинг оқсоқолларига таҳсин айтмоқ керак, холос.

Отахоннинг ҳикоя қилишларича, Бозори Шабдан ташқари, шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида боққол-



лар бўларкан. Бокқоллар бирни икки сотиб, бойиган кишилар эмас, ўша маҳалланинг ўртаҳол, хожатманд фуқаролари экан. Бокқоллар мазкур маҳалла атрофида яшовчиларнинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўладиган моллар билан савдо қилишган. Уларнинг кичкинагина хужра дўконидан рўзғорга керакли гугурт, совун, чой, қанд, қандолат, зира-мурч, дон-дун, гўшт-ёғ ва шунга ўхшаш ҳамма нарса топилган. Чакана бу савдо яна бир жиҳатдан қулай бўлганки, бокқолнинг хужра-дўкони ўз ҳовлисининг бир бурчида жойлашган, агар вақт-бевақт келинганда дўконча берк бўлса, бокқол уйдан чақирилган. Бунинг учун бокқол ковок-думоғ ҳам қилмаган, аксинча хурсанд бўлиб харидорга керакли нарсаларни сифатини кўрсатиб, нархини ҳалол олиб савдо қилиб кузатиб қўйган. Бокқоллар шу қадар ҳимматли бўлишганки, харид қилган нарсага харидорнинг пули етмай қолса ёки пули йўқ бўлса, “Топганда берарсиз, яхшиликка буюрсин”, деб насяга ҳам бериб юбораверишган. Бунақа камтарона чакана савдо одамларнинг хожатини чиқарганки, Олюх гаоло бокқолнинг дўконига қут-барака берган, шаҳар ахли уларни ҳалол, хожатманд, софдил одамлар деб ҳурмат-иззат қилишган.

Ўзбек халқининг ибратомуз ана шундай урф-одат, анъаналари йўқолиб кетдики, булар баъзи чет мамлакатларда баравж йўлга қўйилган. Тошкентнинг ўша даврдаги Тунги бозори ҳозирги пайтда кўпгина шарқ мамлакатларида жорий этиб келинади. Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ҳамид Гулом бушан бир неча йил илгари Хитой давлатида

бўлганида Тунги бозорни завқ-шавқ билан кузатиб, куйидагиларни ёзган эди:

“...Пекинда бўлганимда мезбонлар бизни тунги бозорни томоша қилишга таклиф этишди.

Биз Шарқдаги ҳамма йирик шаҳарлар каби Хитой шаҳарларида ҳам тунги бозорлар борлиги, улар бир шаҳарда битта эмас, ҳатто бир нечта эканлиги ҳақида эшитганимиз учун мезбонларнинг таклифига бажонидил рози бўлдик.

Бозор... Кеч соат саккизда бир нечта кўчанинг икки томони беркитилиб, шаҳарнинг шу қисмида ҳаракат тўхтатилади. Ўн минглаб сотувчилар бир нечта снгил пластмасс қозик ва чодирдан иборат дўконларини велосипедларига ортиб келиб, йўл бўйларига қатор ўрнатадилар. Тахминан ярим соат давомида ўн минглаб ранг-баранг чодир дўконлар пайдо бўлади. Ҳар бир дўконга электр сими тортилиб, чироклар ёкилади. Сотувчилар молларини осадилар. Кийим-кечак, пойабзал, атторлик буюмлари ва ҳоказо моллар савдоси бошланади.

Дўконларда минг хил катта-кичик қутичаларда, йилттироқ халтачаларда озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликлар, консервалар сотилади.

Китоблар, альбомлар, болалар ўйинчоқлари ва ҳоказо маданий молларнинг дўконлари ҳам алоҳида бир қаторни эгаллайди.

Бошқа бир кўча ошхоналарга тўлиб кетади. Хитой таомлари билан бир қаторда ҳар хил миллий таомлар, айниқса уйгур, дунган таомларининг бозори чаққон.

Хар бир дўкон олдига сотувчининг патенти, яъни молия идорасининг рухсатномаси осиб кўйилган. Демак, шаҳардаги, унинг тунги бозоридаги ҳамма савдо қонуний – бундан давлат ҳам, сотувчилар ҳам манфаатдор.

Пекин марказидаги мазкур тунги бозор уч соат ишлайди. Кечаси ўн бирдан бошлаб сотувчилар ва бозор ходимлари дўконларни йиғиштирадилар. Ярим тунга борганда кўчалар супирилиб, сув сепилиб, тонгдаги транспорт ҳаракатига тап-тайёр қилиб кўйилади.

Ишбилармонлик, манфаатдорлик, эпчиллик қандай самаралар бериши мумкинлигини мен Пекиннинг тунги бозорида ўз кўзим билан кўрдим”.

Шарқона бозорларнинг ўзига хос хусусияти тунги бозорнинг файзи-таровати билан ҳам ажралиб туради. Бундай бозорлар тижоратчиларга ва давлатга манфаат келтириши аниқ, лекин халқнинг эҳтиёжини қондириш, қулайлик туғдириш, кундузи иш билан овора бўлиб бозор-ўчарга улгурмаган кишиларга тунги бозорлар хизмат қилиши олижанобликдир. Бундай бозорлар ҳаёт завқини ошириб, одамларни иш-юмуш билан таъминлашда ҳам, ишбилармонларни тарбиялашда ҳам, ёшларни эпчиллик-тадбиркорликка ўргатишда ҳам ибратли омил бўлиб хизмат қилади. Қадимий бозори шаб-тунги бозорларни Мустақил Ўзбекистонимиз шаҳарларида ҳам ташкил этиш керак. Мамлакатимизнинг деярли ҳамма шаҳарларида Тунги бозорлар уюштиришга ҳамма шарт-шароитлар бор. Катта шаҳарларнинг шох кўчаларида, очик майдонларда, анҳор-кўлларнинг бўш ётган



соҳилларида тунги бозорлар ташкил қилинса, унда турли давлат мол-буюмлари, хунарманд-косиблар тайёрлаган буюмлар, пазандаларимизнинг моҳир кўллари билан пиширилган таомлар анвойи қандолатларимиз, ширин-шарбат ноз-неъматлар савдо қилинса қанчалар яхши бўлади. Тунги бозорлар саришталик билан ўтказиладиган бўлса нур устига аъло нур бўларди.

Яхши ният билан айтамизки, мустақил Ўзбекистонимизда қадимий одат урфимиз бўлган Тунги бозорлар тез вақт ичида ташкил этилади.

### САВДОГАР КИМ?

**САВДОГАР** сўзи худди заргар, мисгар, дурадгор, совунгар деган каби касб-хунарни англатади, демак савдогарлик касб-хунардир. Буни ҳам эплайдиган ва шу соҳага қобилияти бор одам қила олади. Савдогарлар халқнинг туриш-турмушини, рўзгор-харидини, талаб-эҳтиёжини яхши биладиган, йўқни – йўндирадиган, бозор пештахталарини зарур моллар билан тўлдирадиган, эл-юрт ҳожатини чиқарадиган эпчил ва уддабурон фидойи кишилардир. Тасаввур қилинг, бир мамлакат ёки бир шаҳарда мол тақчил бўлиб қолди. Шунда савдогарлар узоқ-яқин ҳудудлардан мол келтириб, бозорни тўлдириши, мўл-кўлчилик қилиши лозим бўлади. Савдогарлар йўл юриб, мўл юриб бошқа юртга бориши, молларнинг зарурини танлаши,

ўша жой савдогарлари билан нархини келишиб-тортишиши, молларнинг ҳисоб-китобини қилиб уловга ортиши, сўнг минг тўсиқлардан ўтказиб юртига олиб келиши ҳазил гап эмас. Айниқса, ҳикматда айтилганидек, “йўл азоби – гўр азоби” ни ҳис қилиб кўрайлик. Шундай қийинчиликлар билан эл-юртига мол етказиб келган одамни эъзозлаш ўрнига: “Ўғри” деб аташ тўғри бўладими? Албатта, қадимдаги бундай савдогарларни халқ ҳурмат қилган, улар ҳам келтирган мол-ҳояини сотишда нарх-навони – кўрадиган фойдасини инсоф-диёнат билан белгилашган.

Савдогарлик касбининг тарихи узоқ замонларга бориб такалади. Қадимий Хитой манбаларида кўрсатилишича, милoddан аввалги II-I асрларда Бактрия заминини “Дахя” деб аташиб, бунга Амударёнинг ўрта оқими: ҳозирги Ўзбекистонимизнинг жанубий қисми, Тожикистоннинг жанубий туманлари, Туркменистоннинг шарқий қисми ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари кирган, мана шу қадимий Бактрия одамларининг урф-одатлари ва машғулоти ҳақида ёзган муаррихлар: “Аҳоли савдо ишларига моҳир!” деб баҳо бериб кетишган. Ўрта Осиё халқлари кўшни ҳудуддаги халқлар билан сиёсат, савдо ва маданий муносабатларни ўрнатганлар. Бизнинг қадим ота-боболаримиз юрти Туронда ёш болаларни савдо ишларига ўргатиш одат-анъана бўлганлиги тарих китобларига битилган. Қадим даврларда Самарқанд шаҳри бозорларида устларинлар савдога тортилиб, тижорат ҳар томонлама ўргатилган, ёшлар чет тилларини ўзлаштириб олиб, узоқ юртлардан келган

савдогарлар билан исталган тилда тилмочларсиз гаплашиб савдо қила олганлар. Еттинчи аср Хитой императори Ян Ди томонидан элчи бўлиб келган Вей Изе бу ҳақда қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Ўғил бола беш ёшга етиши билан унга савдо ўргата бошлайдилар, у китоб танийдиган бўлиб қолганидан кейин, савдо-сотик ишларини ўрганишга юборадилар”.

Пайғамбаримиз жаноб Муҳаммад саллоллоху алайҳиссалом оталари, оналари, кейин боболари Абдул Муталиб вафот этгач, амакилари Абу Толиб тарбиясида қолганларида, ўн икки ёшларида илк бор Абу Толиб ва унинг ҳамроҳлари билан савдо қарвонида Дамашкқа борадилар, ўспиринлик йиллари эса маккалик бой аёл Хадича бонунинг савдо-сотик ишларини бажариб, узоқ шаҳарларга қатнайдилар, яхши фойда қиладилар, Муҳаммаднинг савдода ҳам ҳалоллигини билган Хадича у киши билан турмуш қуради. Пайғамбаримиз тижорат ишларида уддабурон бўлганлар, бу ҳақда кўп ҳадислар айтганлар.

Минглаб асрлар илгари савдо-тижорат билан шугулланиб келган халқлар савдогарлик касб-ҳунари савобли ва қутлуғ юмуш эканини ақл-заковат билан чуқур ҳис этганлар. Биз юқорида қайд этганимиздек, узоқ мамлакатлардан товар келтириб, ўзга ўлкаларга буюм олиб бориб сотиб, тижоратнинг азобини тортиш ва ундан фойда кўриб бойиш савоб ва саҳоватдир. Жаноб Муҳаммад саллоллоху алайҳиссалом ўз ҳадисларидан бирида тижоратнинг фазилатини Оллоҳ йўлида яхшилик учун қилинадиган жангу жадалга қиёслаб мана бу



каломни айтган эканлар: “Бозорларимизга хориждан мол олиб келиш гуё тангри йўлидаги жиҳод кабидир!”

Исломдан аввал бутун Турон ва кейинча бутун Туркистон тижорати тарихида ўчмас из қолдирган Буюк ипак йўлида ўзбек савдогарлари жавлон урганлари, савдо-сотикнинг сир-асрорларини пухта эгаллаганликлари, бу касб-хунарни авлодларга мерос қилиб қолдирганликлари тарихларга битиб қўйилган. Адабий-бадий асарларимизда, аллома-ларимизнинг насрий манзумаларида ҳам савдогарлар ҳақида кўп доно фикр-мулоҳазалар айтилган. Ўрта Осиёда савдогарлар қадимдан кўчманчи чорвадорлар, деҳқонлар ва косиблар ўртасида катта мавқега эга бўлиб, уларнинг ўзаро мол-буюм алмашишларида воситачилик қилганлар. Ўрта осийлик савдогарлар Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Миср, Туркия, Россия ва Оврупонинг бошқа кўплаб мамлакатларига тижорат ишлари билан катнаганлар. Муаррихлар берган аниқ маълумотларга қараганда, ўзбек савдогарлари бундан ўн аср илгари ранг-баранг моллардан ташқари, ҳатто Хоразм деҳқонлари тайёрлаган асалу-қанд қовун қоқиларни Ҳиндистон мамлакатига олиб бориб сотганлар ва у ердан ўз ватанларига зарурий мол-буюмларни олиб келишган. Бу, дунё таниганлик, ўз она юрти ва ўзга юртларнинг иктисодий-эҳтиёжий аҳволини мустақил мушоҳада этадиган маърифатли, маданиятли савдогар инсоннинг саҳоватлилиги ва яхши тадбиркорлиги эмасми?

Машхур ёзувчимиз Абдулла Кодирийнинг “Ўтган кунлар” рўмонидаги савдогар-хунармандларни кўз ўнгимизга келтирайлик. Кумуш бибининг отаси Мирзакарим қутидор, Юсуфбек хожи ва Отабеклар нақадар нуроний, зарофатли, салобатли одамлар. Юсуфбек хожи таъбири билан айтганда, бозор маъносида “Бу даргоҳдан ҳеч ким хафа бўлиб кетмаслиги керак” экан. Отабек сиймосида “савдогар” сўзининг кўркамлиги, халол-покиза бўлиши ва ҳаётий салмоғи ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Отабек – савдогар, замонаси гарчанд “кир” бўлса ҳам уни севади, нуксон-қусурларидан қайғуради, она юрти ва халқ дарди қалбида туғён уради. Отабек чин савдогар эканини, у Марғилон келганда Мирзакарим қутидор хонадонида берилган зиёфатда ўлтирганлар ҳам тасдиқ этадилар. Мана ўша лавҳа:

“ – Савдо билан қандай шаҳарларга бордингиз, бек? – деб сўради қутидор.

– Ўзимизнинг шаҳарлардан кўпини кўрдим, – деди бек, – ўрис шаҳаридан Шамайга ҳам бордим.

– Ҳа, ҳа, сиз Шамайга ҳам бордингизми? – деб Зиё шоҳичи ажабланди.

– Ўтган йил борган эдим, – деди бек. – Боришим ноқулай бир вақтга тўғри келиб, кўп машаққатлар чекдим.

– Чин савдогар сиз эмишсиз, – деди қутидор, – биз шу ёшга келиб хали ўзимизнинг каттарок шаҳарларимизни ҳам кўра олмадик: сиз ўруснинг Шамайигача боргансиз!

– Юрган дарё, ўтирган бўйро, – деди Акрам хожи.

Рус шаҳарларига бориб савдо килувчилар Туркистонда жуда оз ҳисобда бўлиб, уларни кўрган Отабек мажлисга тансиқланди. Руслар тўғрисида аллақандай ҳаёлий ривоятлар эшитиб юрган кутидор ва Зиё шоҳичининг Отабекдан ҳақиқий ҳолни билгилари келиб, ундан Шамайда кўрган-кечирганларини сўрадилар. Отабек Шамай хотиротини сўзлаб берди. Русларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётларини, эшиткувчиларни ҳайратда қолдириб ортиқ тафсилоти билан айтиб чиққач:

– Шамайга бормасдан илгари ўз ҳукуматдор-лигимизни кўриб, бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, – деди Отабек, – Лекин Шамай меним бу фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўруснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчок бўлганлигини иқдор этишга мажбур бўлдим”.

Отабек бундай чуқур мулоҳазалари билан ўз халқини севган, унинг ҳаёт тарзига қуюнган, эл-юртининг фаровон ва илғор маданиятли кўришни истаган ватанпарвар инсон тимсолида гаудаланади. Ақли доно, маърифатли, ғоят зарофатли, сермулоҳаза бу ёш ўзбек савдогари: “Бизнинг идорамиз букунги тартибсизлиги билан кета берса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди”, дея аламзада қуюниши, “Мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрусники билан бир қаторда кўрсам”, деб холис ният қилиши унинг қалби нақадар теран, халқини нақадар жондан севишини ифода этадики, бунақа олижаноб савдогар ўз элининг ишонган боғи, суянган тоғи бўла олишига шубҳа йўқ эди!



Ўзбекнинг савдогари фақат ўзи бойишни ўйлаб мол-буюмларни оморларга яшириб қўйиб, тансиқлаштириб, сўнг нархини кўтариб халқни қақшатиб бойиган эмас, халққа бунақа хиёнат қилган эмас. Аксинча, юртлардан юртларга шаҳарлардан шаҳарларга зарурий мол-буюмларни йўл азобини тортиб келтириб, халқнинг эҳтиёт-талабини қондирган, савоб-дуо олишган, шунинг учун ҳам уларнинг савдо-сотик ишлари баракали ва файзли бўлган, ўзлари ҳам иззат-ҳурмат кўрганлар. Савдогарлар турли-туман юкларни катта туя қарвонларида олиб келганларида, уларни мамлакат подшолари, шаҳар ҳокимлари, уламо-ю фузалолар, бутун халқ тантана-қувонч билан кутиб олганлар.

Савдогар – савдонинг нонини ҳалоллаб егани учун кўплар уни касб ҳунар билиб, садоқат – эътиқод билан халққа хизмат қилишган. Шарқ тарихининг зарварақларини кўздан кечирсак, минглаб буюк алломалар, арбоблар, шоирлар, муаррихлар, олиму фузалолар, кўплаб улуг зотлар савдогар оиласидан етишиб чиққанликларини кўр-шимиз мумкин. Кўп ҳам узоққа бормаё, Туркистон муҳтор жумҳуриятининг ташкилотчиларидан бўлмиш атоқли арбоб Файзулла Хўжаев, буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон Чўлпонлар савдогарлар оиласида тарбия топганларини фахр билан айтишимиз мумкин.

Ўзбек халқи тарихида савдогарлар ва жаҳонгашта (сайёҳ)лар кўп ўтганки, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва кашфиётларида халқимизнинг ажойиб фазилат-хислатлари, урф-одатлари ва миллий анъаналаримиз

мужассам топган. Мустақил Ўзбекистоннинг порлок келажагини ўтмиш тарихимизсиз тасаввур этиш кийин, шу нуқтаи назардан қадим Туронда, Туркистонда халқ бахти-саодати учун савдо карвонларида узоқ-яқин мамлакатларга борган ва савдогарчилик тарихимизда из қолдирган жаҳонгашта савдогар боболаримизнинг савдодаги ҳалол ва сермашаққат меҳнатлари ўрганилса, айти муддао бўлур эди.

### ИПАК ЙЎЛИ – НАЖОТ ЙЎЛИ

Тоғу тошлар, сахрою чўллар, кўлу дарёлар, кир-адирларни оша жазирамаларда ҳарсиллаб, чанқаб, толиқиб-ҳориб, чанг-чунг кўтариб саллонно юриш билан ипга тизилгандек келаётган туя карвони манзилга яқинлашгани сари ҳаммада ҳаяжон ортиб кетди. Узоқдан оқ тусда Бинокот шаҳри кўринди. Шаҳарнинг ложувард осмонида Шарқнинг саҳоватли қуёши гуриллаб порларди. Офтобда чўнкаб-қорайиб, чиниқиб кетган савдогарлар ва уларнинг оёқ-кўли чаққон хизматчилари шаҳарга яқин қолганини баланд овозда хабарлаб, тозибўйин отларида у ёқдан бу ёққа чопган ҳолда карвонни бир сидра кўздан кечириб тартибга солдилар. Туяларга ортилган мол-буюмларнинг кўплигидан жониворларнинг ўрқачлари кўринмай, узун бўйинлари пастда қолиб кетган бўлса ҳам, сўнгги куч-интилиш билан фақат олға интилишади.

Кўнғироклар жаранги, чилдирмалар оҳанги, бақироқ туяларнинг бўкириши, ҳисори эшакларнинг ҳаракати, турли тил-лахжада шалоклаб-гувраниб сўзлашаётганларнинг саолари билан карвон шаҳарга шовқин-сурон солиб кириб келади...

Бутун Осиёга гоҳ Чоч, гоҳ Шош номлари билан машҳур бўлган Тошкент шаҳри Машриқдан Мағрибга, Мағрибдан Машриққача Ипак йўлидан қатнайдиған карвонларнинг қўниб ўтадиған улуг манзилгоҳи бўлган. Катта карвонлар “олди-сотди” максаци билан Турон шаҳарларига қут-барака олиб келиб, ўзлари ҳам бу шаҳарлардан бойиб, ризқ-насибали бўлиб кетишни умид қилардилар. Қуёшли Тошкентнинг софдил савдогарлари, кенг-тархон карвонсаройлари, тартибли работлари, ораста бозорлари айюҳаннос солиб, салобат ва файз билан кириб келган Буюк ипак йўли карвонларини меҳмондўстлик билан қучоқ очиб кутиб оларди.

Одил тарихнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги Ўзбекистон заминида, умуман бутун Туронда милоддан олдин ҳам савдо-сотик авж олиб, бозорлар турфа мол-буюмларга сероб бўлган. Бу ҳақда шоир мана бу байтларни ҳаяжон билан ёзган:

Исодан, Искандардан, Кайковуслардан  
Илгарирок бу ерда бозорлар бўлган.  
Тақачилар сув ичган кўк ховузлардан  
Айвонларни ойнасоз ойнабанд қилган,  
“Шош камони” таърифи мерганлар аро,  
Эрон билан Туронда бўлган овоза.



Шарқона тўкин-сочин бозорлари, темирчилари,  
кўк ховузлири, ойнабанд айвонлари, ҳатто  
“мерганлар аро” овоза бўлган камонлари шуҳрат  
қозонган қадимий Тошкентда инсоннинг маънавий  
хаёти, турмуш тарзи нақадар юксак ривож  
топганидан далолат берадики, бу, Буюк ипак йўли  
Турон замини шаҳарларидан бежиз ўтмаганлигини  
исбот этади. Бунинг бадий талқинининг яна  
шоирнинг мана бу жўшқин сатрларида кўрамиз:

Шарқ-ғарб ўртасида катта бир манзил,  
Чин-Мочиндан толиқиб келган қарвонлар,  
Тойлаган ипаклари ранго-ранг асл,  
Румга қараб жўнаркан қадим замонлар –  
Бинкот равотларига қўниб хотиржам,  
Тановул қилишарди нон ҳам, қабоб ҳам.  
Барақалла боболар фаросатиға,  
Разм солиб топганлар шаҳар нуктасин!  
Кўчиб-кўчиб етганда Чирчик сатҳига  
“Турр! деб, тортиб қўйганлар отнинг нўхтасин.

Қадимги Бинкот Буюк ипак йўли ўтган муаззам  
шаҳар эканлиги, катта қарвонлар ранго-ранг ипак  
матолари ва бошқа мол-буюмлар билан бу ерда  
савдо қилишгани, сўнг Туроннинг бошқа шаҳарлари  
орқали қарвонлар Рум сари йўл олгани тарих  
зарварақларига ёзиб қўйилган.

Дунёда инсоният яратган йўллар кўп, яхши  
ниятда солинган йўллардан бири Буюк ипак йўли  
эди. Ўзбек халқи ана шу улкан савдо йўлининг қок  
белида яшаб, савдо-тижорат билан қадим  
замонлардан машғул бўлганки, шу нуқтаи назардан

Буюк ипак йўлининг қисқача тарихини келтирамиз, зеро ўзбеклар савдогарчиликни ота-боболаридан мерос қилиб олганлар, уни касб-хунар даражасида шарафлаганлар.

Буюк ипак йўли дунё фанига, маданиятига хунармандчилигига, саноат марказларининг раванк топишига, мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Буюк ипак йўлининг шарофати шу қадар буюкки, бу қадим йўл туфайли дарё, денгиз йўллари, кейинчалик эса замонавий темир ва автомобиль йўллари пайдо бўлди, ундан минглаб йўлларнинг очилишида андоза олинди.

Милоддан олдинги дастлабки минг йилликларда Машрикни Мағриб билан боғлайдиган савдо сотиқ йўллари пайдо бўла бошлаган. Бу йўллардан дастлаб ипак ва шойилар ташилган. Машхур жуғрофиюн ва шарқшунос олим Фердинанд Рихтгофен 1877 йилда ёзган “Хитой” номли китобида бу савдо-сотиқ йўлини “Ипак йўли” деб атаган эди, шундан кейин бу ном “Буюк ипак йўли” атамаси билан машхур бўлиб кетди. Ўзбек жуғрофиюн олимларидан Шухрат Зокиров ва Абдурасул Соатовларнинг келтирган маълумотларида, милоддан бурунги III асрларда қимматбаҳо тошлар ташиладиган “Ложувард йўл” Бадахшонни Эрон, Месопотамия, Сурия, Миср, Анатолия билан; яна бир “Нефрит йўл” эса Шарқий Туркистонни Хитой билан боғлаган. Археологлар топган тарихий қазилма ашёлар шуни кўрсатадики, Хитой ипаги Шарқий Туркистонда милоддан аввалги 1027-256 йилларда маълум бўлган бўлса, милоддан олдинги

IV-III асрларда ипак матолар Ҳиндистонга, милоддан аввалги II-I асрларда эса Александрия ва Румга олиб борилган. Мана шу тарихий далиллардан келиб чиқиб хулоса қилинса, бу йўллар кўп қадим йўллар бўлиб, у узок йиллар давомида аста-секин шаклланган дейиш мумкин. Шуниси аниқки, ипакнинг асл ватани – Ҳитой бўлган. Бу ерда 5 минг йилдан бери ипак билан шугулланилади. Ипак Ҳитойдан Оврупога Марказий Осиё орқали Буюк ипак йўлидан олиб ўтилган.

Буюк ипак йўлининг гоят катта тарихий аҳамияти ҳисобга олиниб, ЮНЕСКО томонидан бу буюк йўлнинг “ўн йиллиги” эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда, Ўрта Осиё республикаларида ва чет элларда Буюк ипак йўлининг шаклланиши билан боғлиқ тарихлар илмий ва амалий тарзда ўрганишга киришилди. Илмий тадқиқот ишларида турли соҳаларнинг етук мутахассислари бўлган олимлар иштирок этишмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, Ўрта Осиё ўлкаси Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи Буюк ипак йўлининг жуда муҳим бўғинида жойлашган. 1990 йилда Буюк ипак йўли бўйича уюштирилган илмий-тадқиқотлар пайтида олимларимиз қадимда бу йўллар орқали қандай савдо-сотик ишлари олиб борилганлиги ва бу йўллардан қандай мақсадларда фойдаланилганини тарихий далиллар билан исботладилар. Илмий сафарда тўпланган тарихий ҳужжатлар ва қадимий адабиётларда қайд этилишинча, Буюк ипак йўлида асосан халқчил мол-буюмлар ташилган. Карвон йўлларидаги йирик шаҳарларда, карвонсаройлардаги савдо-сотик жараёнида кўплаб ипак, шойи,



чинни буюмлар, кўзгу, зеби-зийнатлар, рангли маъданлардан олтин, кумуш, мис ва бошқалар, улардан ясалган буюмлар, қимматбаҳо тошлар, гилам, сўзана, зотли от, туя, қандолат, туз, шифобахш ўсимликлар, шароб каби ноз-неъматлар билан савдо қилинган. Машҳур шоир Ғафур Ғулом “Турксиб йўлларида” шеърида қадим бу йўлларни таъбирлар экан, жўшиб, ёзади:

Бу йўллар

Кўп қадим йўллардир...

Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,

Рум қайсари,

Қотил Чингиз,

Боту Жўши,

Темурланг

Қолдириб кимсасиз из,

Чиндан Мўғул учи.

Болишдин

Жонлига қилиб танг

– Қон – дея

– Қон – дея

Босорок кечмишдир.

Ҳа, қадимги қарвон йўлларидан, бу қадим йўллардан кимлар юрмаган дейсиз!? Бу табаррук йўллардан бир-бирларига оқ йўл тилаган заҳматқаш савдогарлар, дарвешлар, қаландарлар, элчилар, ҳажга борувчилар, сайёҳлар, чопар, жангчилару лашкарлар ўтишган. Бу қадим йўлларда қароқчи-йўлтўсарлар ҳам изғиб, қарвонларга хавф-хатар солганлар, ваҳшийларча уларни талаб мол-

ҳолларини тортиб олганлар, жонларига қасд қилганлар. Ҳа, бу йўллар не-не фароғатларни-ю, не-не фалокатларни бошдан кечирмаган дейсиз! Лекин унинг умри ҳам ўлчовли экан.

Буюк ипак йўли асрлар давомида дунё халқларининг мулоқот ва нажот йўли бўлиб хизмат қилди. Бу муқаддас йўл Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудидаги Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Кўкон, Андижон, Хива, Урганч ва бошқа ўнлаб шаҳарлардан, салобатли қалъалардан, минглаб чакирим масофаларни босиб ўтиб, бозорларни тўкин-сочин этган, эл-элатларга фаровонлик бахш этган! Буюк ипак йўлининг буюк аҳамияти яна шундаки, мулоқот туфайли халқлар бир-бирлари билан дўстлик, тинчлик, барқарор ҳаётга интиланганлар, ўзаро ҳаёт муаммоларини ечганлар, билганларини ўргатиб, билмаганларини ўрганганлар, айникса тижорат сирларини баҳам кўриб, савдо-сотикда янгиликлар кашф қилганлар, Ер юзининг обод-нообод жойларини кўриб, табиатнинг ранг-баранг гўзалликларини она-Ватанга қиёслаганлар, сайру сайёҳатнинг инсон сиҳат-саломатлигига, комил инсон бўлиб етишишига фойдаси нақадар катта эканлигини сезганлар.

Буюк ипак йўли инсоният тарихида нақадар қалин из қолдирганлигини ўрганиш ёш авлодда она-Ватанга, она табиатга, она халқига, умуман ҳаётга чексиз муҳаббат уйғотади, савдо ишлари фаровон турмуш учун хизмат қилишини исботлаб беради. Буюк ипак йўлини, таъбир жоиз бўлса, азим дарёга қиёслаш мумкин. Дарё зўр оқим

бўлиб, сўнг дала-даштларга ёйилиб обихаёт бағишлагани каби, Буюк ипак йўлининг катта карвонлари дунё шаҳарларига халқларнинг яратган бойлик ноз-неъматларини келтирган, ризқ-рўз, фаровонлик бахш этган.

### БИР БУТУН БЎСТОН БЎЛУР

Шоир Носир Муҳаммад Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан “Америкалик ўзбеклар” деган мавзуда суҳбати чоғида янги туркум шеърлар ёзаётганини сўраганда севимли шоиримиз қуйидаги воқеани айтиб, “Туркистон бозори” шеърларини ҳавола қилган эдилар:

– Нью-Йорк шаҳрида биз бир ўзбек хонадонида меҳмон бўлиб ўтирганимизда гапдан-гап чиқиб, мана шу улкан шаҳарнинг ўртасида ўзбек ҳунарманчилиги ашёлари соғиладиган бир дўкон очилса, деган фикр ўртага тушиб қолди. Кимдир туркманнинг гилами ҳам бўлса, деди, биров кирғизнинг оқ қалпоғини эслатди. Шундай қилиб, бу дўконнинг номини “Туркистон бозори” деб аташ кўпчиликка мақбул бўлди. Яқинда Нью-Йоркдан мактуб олдим. Ўша даврада қатнашган шоир Учқун Эргаш менга саломнома билан “Туркистон бозори” деган шеър ёзиб юборибди. Мен унга жавобан қуйидаги муҳаммасни ёзиб жўнатдим.



### Туркистон бозори

Бир дўкон қурмоқ керакким,  
 Мақсади сотмоқ эмас.  
 Икки ойда бой бўлай деб,  
 Элни алдатмоқ эмас.

ЭРГАШ УЧҚУН,  
 Америкалик ўзбек шоири

Бир бозор орзу қилурмиз,  
 Номи "Туркистон бўлур,  
 Машрику Мағриб элида  
 Шуҳрати дoston бўлур.  
 Ул бозор ичра бари  
 Аҳли жаҳон меҳмон бўлур.  
 Бунда ўзбек, туркману  
 Қирғиз, козоқ мезбон бўлур.  
 Бир томошо қилган одам  
 Лол бўлур, хайрон бўлур.

Ул Бродвей кўчасида  
 Ё Бруклин ёнида  
 Шўъбаси Лондон, Парижнинг  
 Марказий майдонида.  
 Гар насиб этса кезармиз  
 Деҳли Туркистонида.  
 Тол таги чойхона-ю  
 Чойхона дастурхонида  
 Бобур орзу айлаган  
 Қовун ва ширмон нон бўлур.

Не бўлур пештахталарда?  
     Шоҳи, атлас, бекасам,  
 Чуст пичоқ бергай, Бухоро -  
     Атласу, туркмон – гилам,  
 Оқ момиқ кирғизча қалпоқ  
     Тожикий зардўппи ҳам,  
 Жун чопон окмуллача,  
     Жон роҳати, силлиқ шинам,  
 Барча тилларда Навоий  
     Шеърдан девон бўлур.

Келса ким ҳинддир, хитойдир.  
     Яхши ниятлар билан.  
 Бир пиёла чой тутармиз  
     Хуш назокатлар билан,  
 Бир-бирова бокмас эллар  
     Кин, адоватлар билан,  
 Бор масалким, ҳам зиёрат,  
     Ҳам тижоратлар билан  
 Иншооллоҳ бормоғу  
     Келмоқ яна осон бўлур.

Не ажаб, биз бошласак,  
     Улғайса, кунда-кун бозор,  
 Ёнимизда “Кавказ” у  
     “Болтик” келиб турса катор,  
 Оқса Хадсон ёнида  
     Тошқин Дунай ҳам мавжкор  
 Бу жаҳонда бахтиёр ким?  
     Бағри кенглар бахтиёр,  
 Асли бозормас мурод  
     Дийдор учун имкон бўлур.

Бу ният чиндур,  
     Деманглар, шоирона бир хаёл.  
 Икки улкан юрт учун  
     Бундоқ бозордан не малол?  
 Манфаат аввалда дўстлик,  
     Сўнгра савдоцир ҳалол.  
 Шерьу санъат аҳлига йўқ  
     Куй, кўшиқдан ўзга мол,  
 Бизга ҳам ул гўшада  
     Чорпою айвон бўлур.  
 Бир муҳаммас битди Эркин  
     Шоир Учқунга жавоб,  
 Биз ният қилдик, бу ният  
     Эзгудир олижаноб,  
 Хар замон шоир нидоси  
     Олам аҳлига хитоб.  
 Бу жаҳон бозорида  
     Элу элатлар бехисоб,  
 Турфа гуллардан у шояд  
     Бир бутун бўстон бўлур.

1989 йил

(Шоир Эркин Воҳидовнинг “Ўзбекистон”  
 нашриёти 1992 йилда чоп этган “Изтироб”  
 китобидан олинди).



## ЯХШИ МУЛОҚОТ – ИККИ ДИЛГА МУКОФОТ

“Яхши ният – ярти мол”, дейди халқимиз. Кимки яхши ният қилса, шу ниятига етиш мақсадида саъйи-ҳаракат билан интилса умиди ушалади. Ризқу-насиба, ҳалол луқма, рўзгор юмуши билан бозорга борган ҳар бир одам яхши ниятни дилига тугади. “Бозорга бор, бахтингдан кўр” деган ҳикматда ҳам умидингни яхши қил, деган маъно ётади.

– Йўл бўлсин, эрталабдан қаёққа отландингиз?  
– деб сўрашади.

- Бозорга, бозор-ўчарим бор эди, – дейсиз.

Яхши одам сизга яхши тилак билдиради:

– Бозорингиз бароридан келсин!

Мана шу бир оғиз сўз сизнинг ҳаракатингизга мадад, руҳингизга қувват бағишлайди.

Бозорга кириб бораверишингизда, дарвоза пештоқида “Хуш келибсиз” ёзувига кўзингиз тушади. Яна руҳингиз кўтарилади.

Бозорнинг тим остидаги расталарида, пештахталарда, дўкончаларда ранго-ранг моллару, анвойи товланган мева-чевалар, турфа сабзавот, полиз неъматлари – қовун-тарвуз, қарам, картошка, пиёз, помидор, қовок, хуллас “одамнинг жонидан бошқа” нимаики истасангиз, ҳаммаси муҳайё бўлиб турибди. Бозор қилмоқчисиз, энчи бир томонда сиз, иккинчи томонда сотувчи мулоқоти бошланади:

– Кеп қолинг, асалнинг асилага кеп қолинг!

– Узумдан еб кўринг, шира-шарбати тилни ёради!

– Анордан олинг, Куванинг анори, донасини қаранг, ёқут дейсиз, нордони ҳам, ширини ҳам бор!

Сотувчи, албатта ўз молини мақтайди, нархини ҳалол айтади, сизни нимадир харид қилишга ундайди, молига-маҳсулотига чорлайди. Шундай ҳам бўладики, ширин сўз сотувчи забони билан харидорни ўзига гиргиттон қилиб олади. Харид қилиш хаёлимизга келмаган мағизми, узумми, нок-анорми, ишқилиб сотувчининг сеҳрли забонига ийиб кетиб, ўша нарсани сотиб олганингизни ҳам сезмай қоласиз, кейин ҳайрон ҳам бўласиз!

Ширин муомала шундай сеҳрли куч бўлади. Сиз ҳам нимадир олаётганда сотувчига илтифот билан муомала қилсангиз, маҳсулотининг энг яхшилари саралаб, тарози ўлчовини ҳам фойдангизга ўз дил розилиги билан оғирроқ тортиб, ёки бир-иккита ортиқ ташлаб беради.

Сотувчи ҳар қанча ширинсухан бўлмасин, сифатсиз нарсасини мақтаб, ёмонини яхшилаб бир амал-тақал қилиб ўтказиб юборишни ўйламаслиги керак, бу гуноҳ ҳисобланади. Яхши нарсасининг камчилик-иллатини айтиб, шунинг учун бошқалардан арзон сотаётганини харидорга очиқ ошкор қилгани тўғрилиқ бўлади, тўғрилиқ эса ҳалолликдир.

Сотувчи нархда ёки молининг сифати устида баҳслашиб қолганда, харидорга ўшқириб ёки бақириб:

– Ўтинг, ўтинг, йўлингиздан қолманг! – деб дил оғритмаслиги керак, аксинча: “Тўғри келмайди”, “Бори шу, олмасангиз ихтиёрингиз”, деб мулойимлик билан муомала қилиш керак.

Харидор ҳам сотувчига хушмуомала бўлиши, ноз-неъматни бозорга етказиб келган кишини иззат-хурмат этиши лозим. Харидор сотувчининг маҳсулотини арзонлаштириш мақсадида лат уриб, камситиб, ёмонлаб сўз қилса хунук бўлади, ҳатто ноҳақ гап қилса гуноҳга ботади. Каттаоғиз ва такаббур баъзи харидорлар бўладики, сотувчига тилини найза қилиб:

– Шуни ҳам мол деб сотиб ўтирибсизми, буни молга беринг! – деб заҳарханчалик билан дил оғритади. Бундай дилозордан бандасигина эмас, Оллоҳ таоло ҳам безор бўлади. Сотувчи деҳқонми ёки узоқ ердан сотиб олиб бозорга келтирганми, борини қўйиб қўйибди, қаранг, танланг, истасангиз олинг, хоҳламасангиз камситиб бировнинг молини ёмонламай, бошқасини олишга бурилиб кетаверинг.

Ўзбекона урф-одатларимизда яхши тилак айтиш, дилни яйратиш, мулоқотда доим ширинсухан бўлиш каби гўзал фазилатларимиз бор, буларни унутмаслигимиз керак. Бозорда нарса хариц қилган одамга:

– Олганингиз яхши кунингизга ярасин, – дейилса, харидор ҳам сотувчига: – Олган пулингизга барака берсин, – дейди.

– Шу нарҳда сотишга розимисиз? – сўрайди харидор.

– Розиман, – дейди сотувчи.

– Барака топинг, тортинг, – дейди харидор.



Мана шундай оқилона яхши мулоқот – икки дилга мукофот бўлади, харидор ҳам, сотувчи ҳам юрак-юракдан севинади, одамлараро меҳр-муҳаббат, кадр-қиммат кучаяди. Ҳар икки томон: “Бозор яхши бўлди, одамлар бир-бирига шунақанги илтифотлики, бозордан одам чиққиси келмайди”, деб гапириб юришади. Бу гап, албатта уйда катта-кичиклар ўртасида ҳам сўзлаб берилади, оила аъзолари ҳам буни эшитиб қувонишади, “Одамларимиз нақадар яхши”, деб фахр этиш билан бирга ибрат-намуна олишади.

Бозор-бозорда, кимдир бир сотувчидан билиб-билмай ноқерак ёки сифатсиз нарсани олиб қўяди-да, қайтиб бермоқчи бўлади. Шунда сотувчи тажангу ўжар бўлса; “Катта холанга олиб бор, ҳақини беради”, деб харидорнинг дилини вайрон қилади. Лекин шуни айтиш керакки, расм-одатимизда савдо-сотик ишларида қадимдан иқола деган нарсаси бор. Иқола деб, савдодан айниш, яъни олувчи ва сотувчи ўзаро келишиб, байсовдони бузишга айтилади. Бундай пайтда сотувчи молини қайтиб олиши ва пулни харидорга қайтариши лозим бўлади. Янглишган одамнинг хато айбини кечирини сотувчига савоб келтиради ва ўша қайтиб олган нарсаси тезда яна сотилади, чунки савоб-жавобсиз қолмайди.

Бозорда деярли ҳамма одамлар шовқин-сурон, шошиш, баъзан ховлиқиш оқибатида ҳаяжонланиб юради. Шундай ҳолат таъсирида сотувчи ёки харидор пул берганда ёки қайтим олганда ҳисобда адашади. Инсофу диёнатли одам дарҳол ортиқча пулни эгасига қайтариши, кечирим сўраши ёки

янглишганини эслатиши савоб бўлади. Ўзбек халқида бировнинг ҳақини била-кўра туриб ёки атайин олиб қолиш ҳаром ҳисобланади, ҳаром эса дилни бузади, ҳаётини кетга суради ёки ўзининг ҳалол топган-тутганини совуриб, суриб кетади. Агар бировнинг пули ерга тушиб қолса ёки сотувчи-харидорга нотўғри ўтиб қолса, буни ўша эгасига қайтариб берилса, савоб бўлади. Олижаноб одамлар ҳеч қачон бировнинг ҳақини емайди ва хиёнат қилмайди.

Бозорда сотувчилар бир-бирларини оға-инидек ҳурмат қилиб, савдода бир-бирларига ёрдам беришлари керак. Бир сотувчи иккинчи сотувчининг молини лат уриб, ўзига ёки харидорга имо-ишора қилиб ёмонлаши ҳам одобдан эмас: "Бунинг нарсаси яхши сотилаяпти, меникни ҳеч ким олмаяпти", деб ғараз қилиш, тазйиқ ўтказиш, дил оғритиш ҳам инсофдан эмас, агар бундай қилинса, ўша одамнинг савдосида барибир ривож-барака бўлмайди, "Ҳар кимга бир нону насиба бор" деганларидек, бозорда савдо-сотикда ҳам ҳар ким насибасига аталганини олади.

Ўзбек халқи меҳмоннавозликда нақадар очик кўнгил, кенг бағирли бўлганидек, бозорида ҳам саҳий, раҳмдил ва меҳрибонки, ҳеч ким ҳеч кимнинг бу мўътабар даргоҳдан бенасиб ва хафа бўлиб ноумид кетишини истамайди. Бозорларимизда ҳушмуомалалик, ҳушвақтлик, ширинсуханлик, хусни одоблилиқ барқарор бўлса, довруғимиз: "Ўзбек халқининг бозори ҳам, одамлари ҳам гўзал" деб таралади.

## ГАФУР ГУЛОМ БЕШЁҒОЧ БОЗОРИДА

Аллома шоиримиз Гафур Гуломнинг феълитворида ўзбекнинг севимли қахрамони Хўжа Насриддин Афандига хос донишона соддалик, жасурана тантилик ва баҳс-мулоқотда ҳозиржавоблик сингари ҳислатлар бор эдики, қачон, қаерда ва ким билан гаплашиб мунозара қилиб қолса, ён-атрофидаги одамларнинг диққат-эътиборини оҳанрабодек тортиб, ўзига махлиё этиб қўярди. Шоир доим халқ ичида бўлар, бозор-ўчарга ҳам кўпинча ўзи тушар, пештахталарни оралаб айланар, оладиган ноз-неъматни қаерники эканини сўраб-суриштирар, ўнни кўриб бирни танлаб, сўнг нарх-навосини савдолашиб, келишиб “Бор барака!” қилиб олар эди. Бу таърифдан: “Шоир Гафур Гуломдек улуғ одам ўта тажанг, нарх-навода пулга зикна экан”, деган маъно чиқармаслик керак, бунинг ажойиб ҳикмат-ибрати борки, уни қуйирокда айтамыз.

Кеч куз кунларининг бирида шоирнинг Арпапоя кўчасидаги уйига яқин Бешёғоч бозорида шундай бир воқеа бўлди.

Хар томони кўча ва уйлар билан қуршалган бу бозор ихчамгина бўлса ҳам анча файзли, гавжум ва пештахталари анвойи мева-чевалару, қовун-тарвуз, турфа сабзавотлар билан тўлиб турарди. Бозорнинг ўнг томонидаги, китоб дўкони олдидаги саҳнга картошка-ю, караму, пиёзлар хирмон қилиб тўкиб қўйилганди. Бир пайт гўшт растаси томондан кулранг кастум-шим кийган, йўл-йўл шойи



кўйлагига монанд кизил-оқ-гунафша йўл-йўл буйинбоғ таққан, мош-гуруч сочига ярашган кўқон дўппи кийган шоир Ғафур Ғулом кастумининг барини очиб пиёз бозорга ўткир нигоҳ ташлаб келди. Катта хирмон қилиб оқ тухумдек уюб кўйилган пиёз тўпи олдида тўхтади:

– Мана бу пиёзнинг эгаси ким? – деб сўради нарироқда турган уч-тўрт кишига қараб, шоирнинг овози жарангли ва салобатли эди, ҳаммалари бирдан у томонга хушёр тикилиб қарашди, шоир уларга ёқимли жилмайиб кўйди.

Қора чопон ичидан оқ яқтак кийган қотма чол пиёз тўпига илдам яқинлашиб, шеркелбатли кишига мулозимат қилди:

– Пиёзнинг эгаси менман, мулла келинг.

– Хорманг, деҳқон отам! – деди шоир хуштавозелик билан.

– Саломат бўлинг, мулла ака, – деб шоирнинг салобати ҳурматига чол “ака” сўзини кўшиб, яна: – Қадамнингизга ҳасанот, пиёз керакми? – деди.

Шу гап ораси Ғафур Ғулом эгилиб икки дона ғоз тухумидек пиёзни қўлига олди-да, чолдан сўради:

– Бу оқ тухум пиёз каерники?

– Марғилонники!.. – деди деҳқон чолнинг чеҳраси очилиб. Билиб айтдингиз, мулла ака марғилоннинг тухум пиёзи.

– Қачон олиб келдингиз?

– Кеча кечқурун.

– Йўлда машаққат чеккандирсиз?

– Йўқ, мулла ака, йўллар яхши, Оҳангарон довозидан мошинда ошиб тушиб, осон келдик.

Ғафур Ғулом яна энгашиб оқ тухумдек пиёзлардан ҳавас билан яна қўлига олди:

– Пиёзни ўзингиз етиштирганмисиз?

– Ўзимиз, – деди чол фахрланган бир оҳангда.

– Бола-чақалар билан...

– Болалар нечта? – қизиқиб сўради шоир.

Чол пешонасини қашлаб, кўмик тишларини кўрсатиб тиржайди:

– Болалар кўп... Олти ўғил, беш қиз... ўн битта... Палак ёздиқ, қирқ битта неварачеварам бор...

– Ўхў, пирибадавлат экансиз, отам... Ёшингиз нечага борди?

– Мучалсиз ҳисобда етмиш саккиздаман... Ҳали бел бақувват...

– Ҳа, кўриб турибман, девдексиз ҳали, ёш – паҳлавон билан кураш тушсангиз, бир силтовда ерга тахтакачлаб қўядиган важоҳатингиз бор... Отинбувим Саксонвой-Тўқсонбойларга эҳтимол бош қоронғидирлар!...

Дехқон чол “хи-хи” лаб кулди, атрофдагилар “гурра” хаҳолаб юборишди, Ғафур Ғулом эса қўлидаги оппоқ пиёзларнинг харир пўстини тушириб кўрди-да, суҳбатда яна давом этди:

– Пиёзингиз ҳали нам экан, яхшилаб қуритиш керак, бу энди оладиган харидорнинг иши!.. Нам сакланган пиёзга замбуруғ тушиб, бўйнидан кулранг чириш касалига учрайди...

– Тўғри айтдингиз, мулла ака, – деди чол, – Пиёзни яхши саклаш учун бодрокдек шилдирайдиган қилиб қуритиш керак бўлади, кейин вақт-вақти билан ағдариб, шамоллатиб турилади, пиёз

бошига, сиз айтгандек, кулранг губор тегдими, тез ишлатиб юбориш керак...

– Яшанг отам! – деб чолга меҳр билан тикилди Фафур Фулом. – Қани, деҳқон забонингиз билан айтинг, отам, қайси пиёз яхши-ю, қаернинг пиёзи бўлик бўлиб етилади.

– О, мулла ака! – деб чўзиб гап қотди деҳқон чол. – Пиёзнинг ёмони бўлмайди! Ўзбекистон – жаннат, тупроғига яхши ишлов берилиб, ихлос билан парвариш этилса ҳамма жойдан асил пиёз етиштирса бўлади, аммо-лекин Самарқанднинг қизил пиёзи, Марғилоннинг мана шу оқ бош тухум пиёзи, яна қоратол деган, тилларанг деган пиёзларнинг олдига тушадигани йўғ-ов!..

– Офарин! Худди шундай, – деди Фафур Фулом деҳқоннинг миришкорлигига тан бериб. – Каба деган йирик жигаранг пиёз, тунгани деган тўк бинафшаранг пиёзлар, Андижон, Тошканднинг оқ бош пиёзлари машҳур! Бизнинг оқ пиёзимиз қаторида парей, батун пиёзлари ҳам бор. Олимлар ҳисобича, тўрт юз хил пиёз тури бор экан. Саримсоқ пиёзимизнинг овқатларга лаззат, аъзоитанга қувват бағишлашига таъриф йўқ!.. Пиёзи анзурни биласизми, отам?

Чол бошини чайқади:

– Номини эшитганман, лекин ўзини кўрмаганман.

– Эҳ-э, уни “Пиёзи анзур – тамадига манзур” дейдилар, бу пиёз Тошканд, Бухоро, Фарғона, Самарқанд тоғларида қоя тошлар ичида ўсади, оддий пиёздек қат-қат эмас, яхлит дона бўлиб етилади, Самарқандда маринат қилингани хўп закускабоп неъмат-да!.. Хуллас “пиёз – дардага



ниёз” дейилган ҳикмат бежиз айтилмаган... Қадим табобатчилар кўп дардларни пиёз билан даволашганига тарих гувоҳлик беради. Халқимиз кафтдек ери бўлса, кўк пиёзу, барра-ю, саримсоғу ўстириб, овқатида саломатликка тановул қилади... Отам, айтинг-чи, ўзбеклар пиёзни қайси муддатларда экишади?..

Дехқон бу саволга хафсала билан жавоб қилди:

– Биз пиёзнинг уруғини сепиб, биринчи йили бош пиёз оламиз, кейинги йили шу бош пиёзни экиб уруғлик йиғамиз. Юртимизда пиёз уч муддатда – эрта кўкламда, ёзда, сўнг кузда – ноябрь ойида экилади...

– Пиёзнинг меҳнати машаққатли! – деди Фафур Фулом мулоқотга яқун ясагандек. – Хўш, ок пиёзнинг килосини қанчадан сотаяпсиз?

Чол пиёз тўпига қараб, ийманибгина деди:

– Арзон, мулла ака, килоси 40 тийин...

– Қиммат айтаяпсизу, отам! – деди Фафур Фулом жишдий тортиб. – Анов нон бозорга ўтинг, қуёш парчасидек бўрсилшоқ уй нони ўн тийин ўн беш тийин, ҳукуматнинг бир буханка нони 16 тийин, бир кило бугдой 20 тийин, азизу-мўътабар нонга солиштириганда, пиёзингиз қиммат, отам!..

Дехқон ҳам бўш келмай, шоирнинг ўз гапидан келиб чиқиб, деди:

– Ҳозиргина “пиёзнинг меҳнати машаққатли” дедингиз, мулла ака, бунинг устига Марғилон деган жойдан етказиб келдик, йўл кира деган нарса бор ахир, ҳаммасининг ҳисоб-китобини қилиб нарх қўйганмиз-да,..

– Бўпти! – деди Ғафур Ғулом чолнинг гапини кесиб. – Ҳаммасини ҳисоб-китобга киритиб, уч килосига бир сўмдан санаб бераман, олтмиш кило тортинг!..

– Бор барака! – деб юборди чол, – Сиздек ақли дониш кишига пиёзни ниёз қилворсам ҳам кам, ана, сизга тўрт килосини бир сўмдан бердим, олинг мулла ака!

– Йўк! – деди Ғафур Ғулом гапни чўрт кесиб. – Буни бозор дейдилар, харид қилганда кўриб, савдолашиб, байлашиб, баҳслашиб олинади. Сиз – захматкаш деҳқон бобонинг ҳам, мен – ихлосманч харидори вафодорнинг ҳам сазаси ўлмасин!.. Тортинг, уч килосига бир сўмдан бераман...

– Розиман, минг розиман! – деди деҳқон ва ёнида турган йигитчага фармон берди: – Қани, ўғлим, пиёзни саралаб-саралаб, йирик-йиригидан торт!..

Ғафур Ғулом ён чўнтагидан шилдирик пулларни санаб-санаб деҳқон чолнинг қавариқ озгин кўлига тутқазиб, “бор барака” қилди, нариги томонда турган “Волга” машинасига қопдаги пиёз ортилиши билан жўнаб кетди.

Пиёз савдоси кизиб, Ғафур Ғулом деҳқон чол билан мулоқот қилаётганда, анчагина одам узок-яқинда тўхтаб бу гурунгни марок билан тинглашаётган эди. Чол бир зиёлисифат кишидан сўради:

– Бу пиёз олган киши ким ўзи?

– Танимадингизми? – деди зиёли кулиб. – Шоир Ғафур Ғулом-ку!..

– Валлоху аълам! – деди чол ҳайратда қотиб. Билмапман-ку, авлиё одам экан...

Чолнинг пиёз тортиб берган ўғли пулни санаб: “Ота, шоир акам ҳисобда янглишиб ортиқча пул бериб кетибдилар, бу пул килосига кирк тийинданга тўғри келади”, – деди. Чол яна ҳайратга тушиб шоир берган пулни олиб юзига суртди-да: “Харид қилгани тўйига, яхши рўзгорига ярасин, бизнинг пулимизга ҳам Аллоҳ барака берсин!”, деб дуои фотиҳа қилди.

Донолар суҳбати – ҳаётнинг ибрати бўлади. Аллома Ғофур Ғуломнинг шу оддийгина пиёз харид қилиши воқеасида мулоҳазакор кишилар учун қанчалар намуна-ю, ибрат ва тажриба бўладиган ҳикмат бор! Бозорга гўдайиб кириб келиб, мол-ҳолнинг сифатини кўрмай, савдолашмай, икки оғиз сўзлашмай, сотувчи айтган нархни келишмай харид қилиб кетавериш қаёқда-ю, дилкашлик билан савдо қилиш нақадар гўзал фазилат эканини ҳаммамиз ҳам яхши ҳис этмаймиз. Ҳаётнинг ҳар хил ташвиш-қувончлари билан шошилиб-ҳовлиқиб юриб, кўп лаззатли ва фойдали нарсалардан маҳрум бўлаётганимизни ҳаёлга ҳам келтиролмаймиз.

Ғофур Ғуломнинг пиёз харид қилиш воқеасида, бир олам сир, ажойиб тарих, энг муҳими инсонийлик, ўзаро мулоқот, қолаверса юртни, элни, бойликларимизни, турмуш тарзимизни ва ўзлигимизни билиш, тушуниш, ҳаётни ўрганиш ибратлари бор. Бу воқеада деҳқоннинг ували-жували эканини, Марғилондан келгани, пиёзнинг турлари, ҳатто уни касалланиш сабаби, сақлаш омили, нархи, нон билан қиёслаганда пиёзнинг қимматлиги, лекин деҳқон меҳнати машаққатли эканини ҳисобга



олганда унинг ҳақи ҳалоллиги, буни сезган шоир дехконга ўзи айтган нарҳда пул бериб кетиши – хуллас ҳаммасида олийжаноб инсоннинг фазилатлари намоён бўлиб турибди.

### АЛП ЖАМОЛ – ПОКДИЛ ЙИГИТ ЭДИ

Дунёда шундай кишилар борки, бутун умрини эзгуликка – ҳалоллик, поклик, одиллик, мардлик, эл-юртига, дўстларига ихлос-эътиқод кўйиб бу фонийда яшаб боқийлик умрини яратадилар.

Яхши кишилардан нузли пойдевор қолади, инсонни ҳамма вақт – тириклигида ҳам, вафотидан кейин ҳам эъзозлаш, ширин сўз билан эслаш, яхши фазилатларини сўзлаш ҳам яхшиликдир.

Биз ҳикоя этмоқчи бўлган зот турмушнинг барча икир-чикир томонларини яхши ўрганган ва билган моҳир қаламқаш, ёзувчи ва драматург, ўзбек телеминиатюраси қироли – Жамолиддин Асомиддиновдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 90 баҳорни қаршилаган мураббий устоз Неъматжон ота Дўстхўжаев шундай хотирлайдилар:

– Жамолиддин Асомиддинов билан кўп йиллар давомида Ўзбекистон телерадиосида биргаликда ижод қилиб келганмиз. Қалами ўткир, зукко ходим эди. Айниқса 70-80 йилларда телеминиатюра жанрининг ривожига катта ҳисса қўшиб, халқнинг олқишига сазовор бўлганди. Турмушимизга зид

бўлган иллат-сарқитларга қарши курашда, одамларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатини “Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” зайлида бадий иборалар орқали очиб ташларди.

Жамолиддиннинг ижоди шундай барқ уриб яшнадики, ёзувчи ва шоирларимиз ўзларига таҳаллус қўйганларидек, Алп Жамол таҳаллуси ҳақида у биз билан маслаҳатлашди. Сабабини сўраганимизда раҳматли зукко оналари машойхларнинг қуйидаги байтини:

Сен алифдек тўғри бўлсанг,  
 Ҳеч бало йўқдир сенго.  
 Лом-алифдек эгри бўлсанг,  
 Ҳар бало бордир сенго,

деб такрорлаши хусусида айтиб берардилар.

Алиф – мусулмон араб дунёсида биринчи ҳарф. Унинг ижод фаолияти – эзгулик ва адолатни тараннум этгани учун ҳам биз дўстлар Алп Жамол таҳаллусини маъқулладик. Қарангки, бу таҳаллус унинг бўй-басти, қоматига ҳам ярашиб турарди. Унинг ижод фаолияти ва ҳаракатлари ёшларимиз учун ибратдир. Бу алоҳида мавзу.

– Неъматжон ота! Сиз биринчи бор Алп Жамол билан қаерда ва қандай танишгансиз? – деганимизда, шундай дедилар:

– Бозорда танишганман. Хаста-Имом бозорида... Уруш тугаган йиллар... Мен уста Зокир амаким билан кўп ўйлаб ҳисоб-китоб қилгандан сўнг, оиламиз ва қўшнилар билан маслаҳатлашиб мол бозорига бориб бир бузук сотиб олиш ниятида

эрта азонда кириб бордик. Молларнинг маъраши, қўйларнинг бараши одамлар гурунги билан ғалаговур бўлиб кетган. Кишиларнинг бири мол, бири қўй, бири от, бири эчки етаклаган. Шу он бозорга кираверишда мени бир нотаниш йигит тўхтатди. Икки юзи қип-қизил, барваста, алпқомат, эғнида телогрейка, унинг ёкимли товуши эътиборимизни жалб қилди.

– Ассалому-алайкум! Йўл бўлсин? Кутилмаган саволдан мен ҳам, амаким ҳам хавотирланиб хайрон қолдик. Сизгир экан, саволга дарҳол жавоб бўлмаганидан ўзи гап бошлади.

– Хавотирланманг. Мен Сизни танийман. Ҳамза театрида артистсиз. Чамамда мол олгани келаётган бўлсангиз керак?

– Ҳа, бирон-бир кичик бузоқ сотиб олгани келаяпмиз.

– Мен, Ҳамза театридаги спектаклларни ҳаммасини кўрганман. Сиз Олеко Дундич спектаклида генерал Жобер родини ўйнагансиз. Шукур Бурхон бош роль – Олекони қойил маком қилиб ўйнаган...

У кишининг шу сўздан кейин менда қандай-дир бир ишонч ва меҳр уйғонди.

– Сизни бекорга тўхтатганим йўқ. Узр, бу мол бозорда нима кўп муттаҳам кўп; даллоллар бошингизни айлантриб, қўлингизни силтайвериб, ҳоли-жонингизга қўймай, беш тангали нарсани ўн тангага сотиб ширинкома олади. Келинг, даллол аралаштирмай, мен Сизга бир хизмат қилай.

Ажабланиб турган Зокир амаким ҳам хотиржам бўлди шекилли, миннатдорчилик изҳор этиб



у кишини ортидан кетавердик. Чамамда бозорчиларнинг кўпчилиги у кишини танир экан.

Бир неча сигир-бузокларни кўргандан кейин, бир тўда молларни ушлаб турган, тумоқ кийган барваста кишининг ёнида тўхтаб, саломлашди.

– Жеке, бу қашқа бузок, қайси сигирнинг боласи?

– Ҳов анави катта сигирни боласи.

– Онасини эмадими?

– Жўқ. Олти ой бўлди, эмайди.

Шу ён-атрофда икки киши пайдо бўлиб бизни диққат билан зимдан кузатарди.

Телогрейка кийган йигит қатъийлик билан:

– Булар, даллолсиз мол олмоқчи.

– Вой-буй, улар сотмайсан деб тайинлагон-ғуй!

Йигит: Булар – зиёли кишилар. Бозорнинг паст баландини билмайдилар.

Сурбет даллоллар икки қадам нарига бориб ўқрайиб турди.

– Сиз мени танийсизми? – деди йигит ҳушмуомала билан.

– Ҳа, аввал бозор келганимда кўриб эдим.

– Мен шу бозоркомда ишлаймам. Битта-яримта содда одамлар келса – пулини бозорга ташлаб кетмасин, дейман-да...

Хуласи калом, ушбу семиз қашқа бузоқни бирмунча арзонга олиб берди, барака топгур.

Йўлда кетатуриб бу йигитнинг ҳимматига қойил қолиб “Ота-онангга раҳмат”, – деб қувона-қувона Янгиариқ мавзесидаги боғимизга етиб бордик.

## ХОРМАНГ, ОҚСОҚОЛЛАР!...

Дунёда инсоният пайдо бўлиб, ҳаёт бошланибдики, ҳар соҳанинг эгаси, соҳиби, йўлбошчиси ва сардорлари бўлган. Агар таъбир жоиз бўлса, юртбошиси йўқ қавм чўпонсиз пода сингари тўзийди ва турмуш тарзи бузилади. Шунинг учун “Минг қўшчига бир бошчи керак” дейдилар.

Даромади бу гапларни шунчаки зикр этмадик. Ўртаосиёлик халқлар ўртасида, шу жумладан ўзбек халқимиз орасида нуфузли, ҳурмат-эътиборли, ёши улуг кишиларни эъзозлаб “Оқсоқол” деганлар. Бундай кишилар эл-юртда катта обрў-иззатга сазовор бўлиб, ҳар ишда бош-қош, маслаҳатдош, панду насихат айтадиган, тўғри йўл кўрсатадиган ва ўзининг ақл-идроки кўпчиликни бўйинсундира оладиган забардаст кишилар ҳисобланган.

Ўзбекистонимизнинг шаҳар ва қишлоқларида қосибу ҳунармандлар устахона бошлиқларини “Оқсоқол” деб аташган. Маҳалла-гузарларда ҳеч бир ҳақ-маош олмай ҳолис хизмат қиладиган ақли доно қариялар ҳам бўлганки, ҳамма уларни “Оқсоқол” деб ҳурматда тутганлар, ҳозирги кунларимизда ҳам маҳаллаларда шундай қарияларни “Маҳалла оқсоқоллари” деб табарруқ ҳисоблайдилар.

Оқсоқоллар эл-юртнинг кам-кўстидан, тинчлик-осойишталигидан, хулқ-атворидан, хуллас ҳамма нарсадан кўз-қулоқ бўлиб туришган.

– Фалон кўчада икки кўшни ўртасида келишмовчилик бўлибди, уришаётган экан, – дейилса, одамлар дарҳол:

– Маҳалла оқсоқолига айтиш керак, тинчитади-кўяди, – дейишган.

Чиндан ҳам “сўзи – сўз, айтгани – айтган” оқсоқол ҳар қандай муаммони ақл-идрок билан ҳал этиб, бир-бирлари билан арзир-арзимас нарсага жанжаллашиб юрган кўшнилари “кўй-эчки”дек иноклаштириб қўйган.

Халқимизнинг оқсоқоллардан бозор соҳасида ҳам фойдаланиш яхши анъаналаридан бири эканлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Илгари пайтларда ҳар бир бозорнинг ўз оқсоқоли бўлиб, унга бутун бозору аҳоли қаттиқ эътиқод қўйган.

Хўш, бозор оқсоқоли қандай вазифаларни бажарган? Тешиққопқоқ маҳаллалик саксон беш ёшлик Икромхўжа ота Каримхўжа ўғли бундай деб ҳикоя қиладилар:

– Шаҳар маҳаллаларидан ташқари ҳар бир бозорнинг ўз оқсоқоллари бўларди. “Оқсоқол” деганимиз жудаям обрўли, нуфузли, салобатли, ақли қаймоқ, сўзи қайроқли одам бўларди. Ҳамма уни иззат-икром қиларди, савлати-ю, сўзидан, танбеҳи-буйруғидан ҳадиксираб турарди, локин унинг хайбати-салобатидан кўрқиб-чўчиб эмас, тўғри ва одиллигидан шундай иззат этиб, қуллук қиларди. Бозорнинг оқсоқоли эртадан то бозор тарқагунча бутун ишларни, савдо-сотикни кузатиб, назорат этиш билан банд бўларди.

Тошкент шаҳрининг деярли ҳамма бозорларида оқсоқоллар кенгаши намунали иш олиб борган.



Оқсоқоллар кенгашига савдо-сотик аҳли, косибу хунармандлар ўзлари ичидан энг оқил, ҳалол ва одил кишини сайлашар экан. Улар биринчи навбатда бозорни озода ҳолда тутишни, сотувчи ва хунармандларга ҳамма нарса қулай бўлишини, тартиб-саришталикни қаттиқ жорий этишган.

Оқсоқоллар бозорга келган косибу хунармандларнинг тайёрлаган буюмлари сифатини кўриб, текшириб аниқ ва холис нархини белгилаб беришган. Бозорга шу кун келтирилган ноз-неъматлар ва мол-буюмларнинг сарҳиллигини, озкўплигини, нималар этишмаслигини ҳам назорат қилиб, зарурат бўлса боққолу савдогарларни этишмаган молларни кўпайтиришга даъват этишган. Агар бозорда харидор ва сотувчи ўртасида низо чиқиб қолса, оқсоқол ўша зумдаёқ пайдо бўлиб жанжал чиқишига йўл қўймаган. Энг муҳими бозорда ўғри-муттаҳам, қаззоб, бировнинг ҳақидан уриб қоладиган хиёнатчиларни оқсоқол кўпчилик ўртасида изза қилиб, тегишли чорасини қўллаган.

Ўзбек расм-одатларида уй-жойлар озода, тартибли ва саришта тутилганидек, бозорлар ҳам доим ораста бўлган. Бозор оқсоқоли кечки пайт олди-соттиси тугаши билан ҳаммаёқни супуртириб, озода ҳолга келтиртириб, эртаси кунга тайёрлатиб қўйган. Бозор оқсоқолларига ҳақ шу бозорнинг тушумидан тўланганки, улар бировларни қақшатиб жарима ва пора олмаганлар, ҳалол меҳнат ҳақига қаноат қилишган.

Қизил салтанат даврида бозорлардан оқсоқоллар кенгашлари суриб чиқарила бошланди, нарса сотиш учун патта бериб ҳақ олиш расм бўла бошлади,

1930 йиллардан бошлаб бозорларда оқсоқоллар кенгашлари тугатилиб, ихтиёр бозор бошқармаларига ўтди, бозорни бозор комитети, унинг директори бошқарадиган бўлди.

Эл-юрт синовидан ўтган яхши анъана-одатлар ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди. Бозор комитетлари ҳузурида оқсоқоллар кенгаши тузилса, савдо-сотикни тартибга солишда, нарх-навони меъёрда бўлишида, саранжом-саришталикни сақлашда, кам кўстларни тўлдиришда муҳим омил бўлур эди. Бундай оқсоқоллар кенгашига ҳар хил соҳа: савдо, ҳуқуқ, тиббиёт, иқтисод, хунармандчилик ва бошқа тармоқларда ишлаган, ҳозирда нафақада бўлган ҳалол, софдил ва адолатли кишилар сайлаб-тайинлаб қўйилса бозорларимизга файз-барака киради.

Одамлар ўртасида ҳалол ва одиллиги билан обрў топган оқсоқолларни ҳамма: “Ҳорманг, оқсоқол!” деб эъзозлаши аниқ, инсон учун эса халқ меҳрини қозонишдан ортиқ бахт йўқ!

### ЎҒРИСИЗ БОЗОР БОРМИ?..

Дини ислом одамларни ҳалол, софдил ва ҳақ йўлида савоб ишлар қилишга йўллаган, унинг биринчи даъвати ҳаёти дунёда тўғри бўлиши кераклигини уқтириш эди ва бунга эришган. Динни маҳкам тутган, эътиқоди мустаҳкам одамлар ҳалол яшашни муқаддас ҳисоблашганки, бировнинг

хақини ейишдан ва ҳаром-харишдан жуда ҳазар қилганлар, ҳатто ердан-йўлдан бирор нарса топиб олсалар, атроф-теваракда турганларга баланц овоз билан: “Кимники, бу кимники, ким тушириб қолдирди?”, деб топиб олган нарсаларини кўрсатганлар, эгаси чиқса бериб, эгаси топилмаса бева-бечорагами ёки тиланчи-гадогами эҳсон тарзида топширишган, ҳозирдагидек “топчим, меники” деб кетишаверишмаган. Машҳур ўзбек олими, пазандачилик илмининг асосчиси Карим Маҳмудов ўз ёшлиқларини хотирлаб шундай ёзган эдилар: Болалигимда Андижоннинг катта бозоридан отам кўп нарсалар харид қилиб, извош ёллаб кетаётган эдик, бир маҳал отам “кўзингни бекит!” деб хитоб қилдилар. Мен кўзимни бекитиб “шумлик қилиб” бармоғларим орасидан йўлга қарасам бир тугун “сўлкавойлар” ерда ётибди. Қаранг, ҳаттоки йўлча ётган ўзга тугунларга ҳам қараш гуноҳ ҳисобланган” – деб хикоя қилган эдилар.

Бозорда одамлар бир-бирларининг ҳақларига хиёнат қилишни гуноҳ ҳисоблаб, тош-тарозида ҳам, ўдчовда ҳам, мўлжалда ҳам инсофли бўлганлар.

Агар қассоб гўшт тортатуриб, кўп суяк-саёк кўшса, бу ўғрилик ҳисобланган, бундай қассобни эгрикўл деб қарғашган, таниб қолишса ундан нарса харид қилмайдиган бўлишган.

Дехқон ноз-неъматни етиштириб, бозорга олиб келса, ўзи тош-тарози кўйиб сотса, шовули тўғри келиб турган бўлса ҳам саҳийлик билан уч-тўртта ортиқча ташлаб, харидорнинг кўнглини олади. Дехқондан арзон-гаров олиб, қиммат сотадиган



чайқовчи эса ҳам нархни ошириб, ҳам тароздан уриб тортиб, харидорнинг ҳақини юлиб қолади, бу кўзни бақрайтириб туриб ўғрилиқ қилиш, гуноҳ ҳисобланган.

Насафий таҳаллусини олган ўрис ёзувчиси Евгений Березиков узок йил Ўзбекистон тупроғида яшаб, халқимизнинг миллий урф-одатларига таҳсин ўқийдики, буни унинг кўплаб ҳужжатли хотира-асарларидан билиш мумкин. Ўзбекларда ўғрилиқ ёмон иснод эканлигини у ҳаётий лавҳаларда баён этган, қуйида шу ёзувчининг “Заргар қутиси” китобидан бир ҳикоячани келтиришни лозим кўрдик:

“Бир отаҳон нолиб деди: “Бу қандай замон ўзи, қаёққа қарама ўғирлик! Иккинчи отаҳон бош чайқаци: “Ўғирликлар содир бўлмайдиган жой ҳам бор”.

Саволлар кетма-кет ёғилди:

– Қаерда?

– Қайси юртда?

Отаҳон соқолини силади, жилмайди ва деди:

– Мана шу юртда, Ўзбекистонда. Ишонмасангизлар, Чиял бозорига боринг! Чиял бозори ўғирлик нималигини билмайди.

Чиял бозори Қашқадарё вилоятининг ғаллакор Чирокчи туманига қарашли бир неча уйдан иборат чокқина чўл қишлоғи – Чиял яқинида жойлашган... Бу ерга Ўрта Осиёнинг чор тарафидан одамлар йиғилиб келади.

Чиял бозори хусусида турли-туман фикр юритишади. Гўё бу ердан дунёдаги жамики нарса-ларни топиш мумкин...

Қачонлардир Чиял бозори уч хусусиятга эга эди, ҳозир иккитаси сақланиб қолган.

Бозорнинг биринчи хусусияти Октябрь тўнтариши билан барҳам топди: бу даврга қадар аёлларнинг бозор майдонига кириши тақиқланди...

Иккинчи хусусияти: йилнинг исталган фаслида – ёзнинг иссиғи ё кишнинг изғирини бўлмасин, одамлар ҳамаша бир вақтда, хўрознинг илк кичқириғиданок тўпланишарди... Соколари оппоқ оқарган ҳурматли бир отахон ўғирлик қилишга уринган кишини охириги марта 30-йилларда кўргангани айтиб берди. Ўшанда ўғрини тутиб олганлар ва эшакка чаппа миндириб, сазойи қилиб, чўлга ҳайдаб юборганлар... Шундан буён Чиял бозорида бировнинг ўғирликда айбланганини ҳеч ким эслолмайди.

Чиял бозори! У ҳақда батафсил сўзлаб бериш қийин. Уни кўз билан кўриш керак”.

Офарин! Ўзбек диёрининг ўша Чиял бозорида ўғирлик йўқлиги, адиб айтгандек рост бўлса, демак халқимизнинг энг яхши қадрияти ўша ерда сақланиб қолган экан. Шукроналар айтиш керак, жумҳуриятимиздаги ҳамма бозорларга Чиял бозорини намуна-ю ибрат қилиб кўрсатмоқ, у ердаги тартиб-интизомни, ўғриларга қўллайдиган жазо-чораларни бошқа бозорларда ҳам қўллаш, ҳаётга татбиқ этиш жоиздир.

Қадимда ўғрилар қўлга тушганда, Чиял бозорида бўлганидек эшакка тесқари ўтқазилиб, одамлар ўртасида сазойи қилинган, қилмиши оғир бўлса ўнг ёки чап қўли кесилган, ҳатто дорга осиб қатл

этилган. Шўро даврида эса “гуманизм” деб ўғри-муттаҳамларга, қотилларга, босқинчи ва зинокорларга суд маҳкамаларида пинхона жазо ва қамок мушдатлари кўлландики, уни кўпчилик кўрмади, судлар билганча енгилми-оғирми жазони кўллай-вердилар, оқибатда ўғрилик қилиш – қамокда тутқунда ётиш билан кечирилар экан, деган хулоса чиқарилди. Жазонинг кўрғазмали ва ибратли усули йўқлиги учун ўғрилик қиладиган, ҳеч нимадан хайиқмайдиган, меҳнаткаш халқнинг пешона тери билан топган-тутганини ўмариб кетаверадиган бўлдиларки, уларнинг текин топиб, беш кунлик маишатда яйраётганини кўрган баъзи ёшлар ўғриликка ҳавас билан қарай бошладилар, оқибатда бу ёмғирдан кейин бодраб чиққан кўзикориндек кўпайиб кетди.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишга киришдикки, бу улуғ жамиятда ўғри-муттаҳамларга қатъий жазо кўрилади, бозору кўчаларимиз, бутун юртимиз бу нопокликлардан фориғ бўлиб, хотиржам, гўзал ҳаёт қарор топади.

### ЧОЙХОНАСИЗ БОЗОР – ЧЎЛ!

Шарқона бозорларнинг файзи-тароватига деярли саккиз-тўққиз ой ҳавонинг очиқ бўлиши, қуёш чарақлаб ҳаво иссиқ-муътадил бўлиши ҳам ўзига хос латофат бағишлайди. Иссиқ-ҳароратли ёзнинг



саратонида бозорга келганлар, савдо-сотик ишлари билан елиб югурганлар, хуллас ўтгану кетган чанқаб, ташналик сезади. Илгари бозор ва бозор йўлларида ёз кунлари муз солинган айрон, қатик, кимиз, кимрон сотилар, покиза чинни пиёла ёки хонаки косаларда йўловчи-бозорчиларга илтифот билан тутиларди.

Шаҳардами ёки четдами, қасрда бозор бўлса, барча гавжум жойларда чойхоналар бўлар эди. Узоқ-яқиндан келган савдогарлар, бозорчилар, харидорлар, хуллас ҳамма эрта саҳардан иш бошлаган чойхоналарга кириб, то “бозор қизигунча” нонушта қилиб олардилар.

Ўзбек халқимизда: “Бир пиёла чойимизга марҳамат қилинг!” деган ғоят чиройли ва самимий, илтифотли одат борки, бу минг-минг йиллардан бери жони-қонимизга сингиб кетган энг яхши анъаналаримиздан биридир. Тасаввур қилинг, ёз саратонида ёки қишнинг қирчиллама совук чилласида бозор-ўчар қилиб чарчадингиз, ёз бўлса чанқаб ҳарсиллаб турибсизу, қиш чилласи бўлса совук қотиб қалтираб турибсиз, яна қўлингиздаги юк толиқтирган. Шундай пайтда бозорнинг яқинидаги чойхонага кириб, нарсаларингизни бир чеккага саранжомлаб қўйиб дам олиш, бир чойнак кўк ёки памил чойни икки чакмоқ қанд-курс билан ичиб роҳат қилишнинг гашти-қуввати бор!.. Бирор таниш-билиш билан учрашиб қолинса ҳам, бир пиёла чой устида дилкашлашиш учун чойхонага кирилган.

Қадим пайтларда бозорлар атрофида ўнлаб чойхоналар халққа хизмат қилиб, ғоят табаррук

жой ҳисобланган. Нафақат бозорлар атрофида, катта шаҳарларнинг ҳар бир кўчасида, бекатларда, гузарларда, карвонсаройларда чойхоналар бўлганки, уларда миллий урф-одатларимиз ўз хосият-хусусиятларини намоён этиб турган. Чойхона – майхона эмас, миллий одоб-ахлоқимизнинг рамзи бўлганлигини қисқача айтиб ўтиш ўринлидир.

Чойхонага ташриф буюрган киши остона хатлаб ўтиши билан ўнг қўлини кўксига қўйиб: “Ассалому алайкум!” деб кўпчиликка ҳурматини изҳор этган, кекса-қартанлар саломга алик олишган. Чойхоначи ёки ёрдамчиси: “Хуш келибсиз, марҳамат килинг, юқорига чиқинг!” деб илтифот кўрсатишган. Чойхўрнинг шундаёқ дили равшан тортиб, кадр-қиммат ҳиссидан роҳатланган. Чойхоначи бу қошонага ким кирса, ўша дамдаёқ олдида патнисда иссиқ нон, қанд-қурс, майиз-ёнғоқ ва озода чойнақда чойни пиёласи билан келтириб қўйган. Бу ҳам инсонни кадрлаш, ҳурматлаш, эъзоз этишнинг рамзи эди. Чойхўр нон-мағизни, қанд-қурсини ейдими, емайдими, истаги, сўрамай ҳурматига қўйилаверган, еса-ичса чойхур ўзи ҳисоб-китоб қилиб ҳақини ташлаб кетган, емаса-ичмаса пул тўламаган. Бу инсонга иззат-икром кўрсатиш билан бирга, ишонч-этикод ҳам эди.

Чойхона фазилатлари яна шундаки, бу муқаддас даргоҳда кишиларнинг ахлоқий муносабатлари, дўстлик-биродарлиги, оилавий манший мулоқотлари, меҳр-оқибатлари, ижтимоий-моддий ҳаётнинг барча воқеа-ҳодисалари муҳокама килинган, ўзбекнинг меҳмоннавозлиги кўз-кўз этилган.

Чойхоналарда кекса-қарияларга тўрдан жой, хотин-қиз ва ёш болаларга алоҳида ўринлар ажратилиб, ҳамма ўз ўрни-жойини билиб, одоб сақлаб ўтирганки, бу ҳам одоб-ахлоқнинг зийнати ҳисобланарди.

Чойхоналарда ҳеч бир китоб, мактаб ёки мадрасада ўқитилмаган ёки қонун-қоидаларда ёзилмаган ҳусни одоб, ҳусни ҳулқ ҳар бир инсонга сингдирилган. Чойхонада шоҳу гадо баравар ҳисобланиб, ҳар ким ўз инсонлигини, қадрини, ҳуқуқ-имконини ва одобини сақлаб ўтирган. Улфатлар даврасида одоб билан ўтириш, навбат билан сўзлаш, оғизни бепаравоз тутмаслик, тавозеълик, ҳурмат-эътибор қилиш, назокатли бўлиш, хушмуомалалик каби фазилатлар ўрганилгани сир эмас.

Чойхоналарда одамларнинг кўнгил очиши ҳам мароқли бўлган, ҳофизлар ашуда айтишган, созандалар куй чалишган, шоирлар шеърлар ўқишган, дарвеш-машойихлар алломаларнинг ҳикмат-ҳикоятларидан халқни баҳраманд қилганлар, дилкашлик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик шу қадар анъанага айланганки, ўспирин, ўрта ёш ва кексалар ўз тенгдош-биродарлари билан гап-гаштакўрлик қилишиб, навбатма-навбат дастурхон ёзишган, бундай тўкма-зиёфатларда ҳар бир иштирокчи ўз қобилиятини намоян этиб, баҳрибайт, лапар, айтишув, ўлан, чистон, аския қилишиб дил чигилини ёзишган.

Чойхоналарда савдо қарвонларида узоқ-яқин мамлакатлардан келган кишилар билан суҳбатлашганлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан, тарихий воқеа-



ходисалардан баҳслашганлар, турли элатлар, халқлар ва уларнинг урф-одатлари билан танишганлар, янгиликлардан хабардор бўлиб турганлар. Хорижий эллардан келадиган савдогару вакилларга чойхона ва карвонсаройларда алоҳида меҳмонхона-хужралар тайёрланиб кўйилганки, улар бу ерда тунаб-хордиқ чиқарганлар, маҳаллий аҳолининг урф-одати, маънавияти, турмуш тарзи, умуман бутун шаҳар ҳаёти билан савдогарлар асосан чойхонада танишганлар. Умуман, чойхоналар халқимизнинг маиший-маънавий эҳтиёжларини қондирадиган, ахлоқ-одобини кўз-кўз этиб тарбиялайдиган, кундалиқ ҳаётида лавозим оладиган миллий ифтихорининг сеvimли маскани эдики, бундан сира кўз юмиш ва уни инкор этиш асло мумкин эмас.

Ўзбекистон давлатимиз мустақиллик шарофати билан гуллаб-яшнашга кириб, ҳозирда шаҳару қишлоқларимизда кўпдан-кўп чойхоналар қурилмоқда. Буларнинг ҳаммаси хайрли ва савобли ишлардир, лекин ўзбек миллий чойхонасининг ўша қадим чиройли анъаналарини жорий этиш муаммо-ю жумбоқ бўлиб қолмаслиги керак. Биз юқорида ўзбек чойхоналарининг файзи таровати ва ўзига хос хусусиятларини бир қатор таъриф этдикки, унда инсоний кадриятлар биринчи ўринда кўзга яққол ташланиб туради. Чойхоналарда, биринчи ўринда, халққа маънавий-маърифий озик берадиган тадбирларни жорий этиш керак. Бу дегани, концерт ташкил этиш ёки суҳбат-лекциялар уюштириш эмас, халқ ўзи чойхонани севсин, маишат қилсин, дам олсин, дил чигилини ёзсин!

Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар.

....Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раиятдан бирининг дехқончилик қилишига қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин.

Амир ТЕМУР

## БУЮКЛАР ТАЪРИФИДА

“Самарқанд бозорларининг маркази Расат тоқидир. Унга боғ ва қасрлардан кўра икки марта кўпроқ кўчалар, бозору расталар бориб туташгандир. Боғи бўлмаган бирон ҳовли, бирон кўча йўк. Кўрғон деворининг устига чиқсанг ҳам шаҳарни (яъни биноларни) кўролмайсан, чунки бари боғу хиёбонларга буркалган. Бозорларнинг кўпи равотда, асосий савдо-сотик ҳам ўша ерда, ички шаҳарда эса савдо аҳли кам. Бу шаҳар Мовароуннаҳрнинг барча йўллари туташган жойдир, савдо тижорат аҳли шу ерда тўпланади. Мовароуннаҳрда етишган ва ишлаб чиқарилган бутун бойлик аввал Самарқандда жам бўлиб, кейин бошқа ўлкаларга шу ердан таркалади.”

Ал-Истаҳрий

“...Хоразм гуллаб-яшнаган гўзал ўлкага айланган. Мен у ерга 616 йили (милодий 1219-1220 йиллар) борган эдим, ҳеч қаерда бундай гавжум ва яшнаган ўлкани кўрмаганман, экинлар ёппасига парвариш қилинган, қишлоқлари қатор тушган, алоҳида ҳовлию чорбоғлари кўп, даштда ҳам кўрғонлар бор. Ўлканинг рустоқлари (қишлоқ жойлари)да парваришланмаган нообод жойни топиш қийин. Яшил дарахтзорлар, айниқса гужуму тут кўп, чунки улар (аҳоли) қурилиш ёғочларига мухтож, тут барги эса ипак куртига емдир. Қишлоқдан ўтиб борган одам билан бозорда юрган одамни сира



фарк килолмайсиз... Хоразмнинг деярлик ҳамма шаҳарларида мол-товар ҳам дўкон-расталарга бой бозорлар бор, бозори бўлмаган кишлок камдан-камдир.

Ёкут ал-Ҳамавий

Машхур муаррих Ал-Муқаддасий Бухоро шаҳрини Мисрдаги энг обод Фустат шаҳри билан қиёслаб бундай ёзади:

“Шаҳар ғоят даражада обод, еттига бурчбанд дарвозаси бор (Боби Нур, Боби Фуфро, Боб ал-Холиб, Боб ал-Кўхандиз, Боб бани Суд, Боб бани Асад, Боб ал-Мадина), ичкарида эса султон кўхандизи (Шахристон). Жомеъ масжиди шаҳар ўртасида, унда бир неча ҳовли-саҳн бор, бари саришта... Шаҳар бозорларида қимматбаҳо моллар сотилади, раводдан уч тарафга йўл кетади... ушбу иқлимда бунчалик гавжум ва обод шаҳар йўқдир... Унда одамга энг яхши таом, ажойиб ҳаммомлар, кенг кўча-кўй, тоза сув ва кўркем бинолар муҳайё...

Ал-Муқаддасий,  
X аср муаррихи

“Мен султон Тормаширин билан хайрлашиб Самарқандга жўнадим. Бу жуда йирик ва ғоят гўзал шаҳарлардан биридир. У Водий ал-Кассарин (Зарафшон бўлса керак) дарёсининг қирғоғида жойлашган, чархпалаклар боғларни суғориш учун дарёдан юқорига сув етказиб беради. Шаҳар аҳолиси сайр қилиб кўнгил очиш учун хуфтон намозидан

сўнг йиғилиб дарё бўйига келадилар. Бу ерда улар учун тахт-супалар ва дўконлар ҳозирланган бўлиб, мева-чева ва бошқа таомлар билан савдо қилинади. Дарё киргоғида шундай улкан саройлар ва бинолар қад кўтариб турадики, улар Самарқанд аҳолисининг юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолат беради.

\* \* \*

...Хоразм қовунига тенг келадигани дунёда йўқ. Бухоро қовуни бундан мустасно, ундан кейин Исфохон қовуни туради. Пўчоғи яшил тусда, эти юмшоқ, жуда ширин ва айнаи замонда қувракдир. Шуниси қизиқки, худди биздаги қуритилган анжир (шариког) ва Чалага анжир каби бу қовунни бўлак-бўлак қилиб кесиб, офтобда қуритиб, саватга солиб Хоразмдан Ҳиндистонга ва Ҳитойнинг узок шаҳарларига олиб бориб сотишади. Барча қуритилган мевалар ичида қовун қоқига тенг келадигани йўқ. Мен Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида яшаб турганимда сайёҳлар келиб қолса, улардан биронтасини қовун олиб келиш учун жўнатар эдим. Ҳиндистон подшоси, агар унга ҳатто озгина қовун қоқи келтиришса ҳам мен яхши кўришимни билиб, хузуримга юбортирар эди. Унинг одати – ажнабийларни ўз мамлакатида нишадиган мевалар билан меҳмон қилиб, шу тариқа меҳрибонлик кўрсатишдан иборат эди.

Ибн Баттуга,

XIV асрда яшаб ўтган марокашлик машхур  
сайёҳ

Рюи Гонзалес де Клавихо

## САМАРҚАНДАГИ АМИР ТЕМУР САРОЙИГА САЁХАТ КУНДАЛИГИ

Испания қироли Генрих III нинг элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо милодий 1403-1406 йиллар давомида, уч йил Самарқандда меҳмон бўлиб туриб, соҳибқирон Амир Темурнинг кенгаш ва қабул маросимларида, Боғи дилкушода берилган зиёфатларда қатнашади, кўп хотиралар тўплайди. Клавихо ватанига қайтиб боргач ўз кундаликларида Самарқанднинг Амир Темур давридаги дориламон ҳаётини рўй-рост ёзади. Қўйида машҳур сайёҳ ва элчининг ана шу кундаликларидан “Савдо растаси қурилиши”, “Самарқанд тасвири” ва “Самарқанд бойлиги” қисмларини тайёрладик.

### Савдо растаси қурилиши

Самарқанд шаҳрида ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа жойлардан, шунингдек, жуда бой Самарқанд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шаҳарга келтирилган ҳамма молларни бир сафда тартиб билан сотадиган кенг жой йўқ эди.

Шоҳ шаҳарда икки томондан қатор дўконлар қурилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди. Мазкур кўча шаҳарнинг бир чеккасидан



бошланиб, марказидан ўтиб, иккинчи чеккасидан чиқиши лозим эди. Шох бу ишни ўзининг икки мирзасига топшириб, улар кўча қурилишини кечаюкундуз зўр бериб шиддат билан давом эттирмасалар, бошлари билан жавоб беришларини англатди. Мирзалар ишни бошлаб юбориб, кўча ўтадиган жойлардаги уйларни кимники бўлишидан қатъи назар, шу қадар шиддат билан буза бошладиларки, уйлари бузилаётган одамлар яхши нарсаларини, бор-йўқларини йиғиштириб қочишга тушдилар. Бир гуруҳ ишчилар бузиб тугатишлари биланок бошқалари келиб ишни давом эттирар эдилар. Катта ва кенг кўча ўтказилди, икки томонига дўконлар тикланди, ҳар бир дўкон олдида оппоқ тошлар билан қопланган курсилар ўрнатилди. Ҳар бир дўкон икки хонадан иборат эди. Бутун кўчанинг усти ёй шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган. Қурилиш тугаши биланок дўконларга жойлаштирилган бозор аҳли ҳар хил моллар билан савдо қила бошладилар. Кўчанинг баъзи жойларида ховузлар қурилган эди. Қурилиш мутасаддилари қанча талаб бўлса, шунча ишчи жалб этилди. Қурилишда ишлаганларга шаҳар мақкамаси ҳисобидан ҳақ тўланди: Кундузи ишлаганлар кеч кириши билан ишни тўхтатишар, уларнинг ўрнини кечаси ишловчилар эгаллар эди. Бир гуруҳ ишчилар уйларни бузар, бошқалари ер текислар, учинчи бир гуруҳ қураар эди. Қурилиш жин қўзғалгандай шовкин-сурон билан давом этарди.

Йигирма кун ичида ҳайратда қолдирадиган даражада катта иш бажарилган эди. Хонадонлари

бузилган кишилар норозилик билдирар, бироқ шоҳга бирор нарса дейишга ботина олмас эдилар. Улардан баъзилари шайх ур раис хузурига келиб, шоҳ билан гаплашиб кўришни илтимос қилдилар. Раис Муҳаммад кавми ҳисобланади. Раислардан бири шоҳ билан шатранж ўйнаётганда бир куни шоҳ ихтиёри билан бузилаётган уйларнинг ҳақини тўлаш хусусида гап очган. Айтишларича, бу гапдан шоҳнинг жаҳли чиқиб деган: “Шаҳар меники, мен уни ўз пулимга сотиб олганман. Бу ҳақда менда ёрликлар бор, мен уни эртага сизларга кўрсатаман. Мабодо Сизлар ҳақ бўлсаларинг, бузилган уйларнинг ҳақини тўлайман”. Шоҳ бу гапларни шундай оҳангда айтдики, раислар бу ҳақда гап очганларига пушаймон бўлдилар ва бу гап учун шоҳ уларни ўлимга буюрмаганлигига, унинг қаҳридан омон қолганларига хайратланиб, минг бор шукр қилдилар. Чунки шоҳнинг барча тадбири тўғри бўлиб, амри вожиб эди.

### Самарқанд тасвири

Самарқандда элчилар билан содир бўлган воқеа баёнидан сўнг шаҳар ҳамда салтанатнинг ўзи ҳақида, унинг улуғворлигини ошириш борасида шоҳ қандай ишларини бажо келтирганлиги хусусида сўзлайман.

Самарқанд шаҳри текисликка жойлашган бўлиб, атрофи тупроқ қалъа ва чуқур билан ўралган. Самарқанд (яъни тупроқ қалъа ичкарасидаги қисми)

Севилья шаҳридан хиёл каттарокдир. Тупрок қалъадан ташқарида қурилган кўплаб аҳоли яшайдиган турар жойлар сифатида шаҳар таркибига киради. Бугун шаҳар атрофи баъзи жойларида бир ярим, баъзан икки лига масофага чўзилган боғлари ва токзорлар билан ўралган. Боғлар оралигидаги кўча ва майдонларда кўплаб аҳоли яшайди, нон, гўшт ва бошқа нарсалар билан савдо қиладилар. Хуллас, тупрок қалъадан ташқарида қурилган нарсалар шаҳар ичкарасидагидан анча кўп эди. Шаҳардан ташқаридаги боғларда кўплаб эъгиборли хонадонлар, шоҳ саройлари ва бош омборхоналар ҳам жойлашган. Бундан ташқари, бу боғларда шаҳарлик зодагонларнинг уйлари ҳам мавжуд эди. Боғ ва токзорлар шу қадар кўп эдики, шаҳар бамисоли баланд дарахтлардан ҳосил бўлган ўрмон ўртасида жойлашгандай кўринади. Шаҳар ва боғлардан сувқувурлар ўтказилган. Ушбу боғлар оралигида қовун ва пахта экилган. Бу мамлакатнинг қовуни жуда мўл ва яхши эди. Биби Мариянинг таваллуди – 8 (21) сентябрь Рождество байрами арафасида уларнинг хонадонларида қовун ва узум ғоят мўл эди. Ҳар қуни шу қадар кўп қовун ортилган туялар келар эдики, бу қовунлар қай йўсинла харид қилиниб, қандай истеъмол этилишича ажабланмаслик мумкин эмас эди.

Қишлоқларда қовун шу қадар серобки, қуритиб, қовун қоқи қилиб янаги йилгача сақлайдилар. Қовунқоқини қуйидагича тайёрлайдилар. Қовунни тилим-тилим сўядилар, пўчоғини арчиб, офтобга қўядилар. Қуригандан кейин қовун бўлақларини



устма-уст қўйиб, копча соладилар ва шу тарзда келгуси йилгача асрайдилар.

Шаҳардан ташқаридаги кенг ялангликда сераҳоли йирик қишлоқлар бўлиб, уларда шоҳ забт этган мамлакатлардан келтирилган кишилар истикомат қиладилар.

### Самарқанд бойлиги

Бу юрт дон-дун, мой, мева-чева, қуш гўшти, ҳар хил гўшт, қўйинг-чи ҳамма нарсага бой мамлакатдир. Қўйлари катта думбали, жуда йирик қўйлар. Думбаси одам қўлида зўрға кўтарадиган даражада – ярим пуд, яъни саккиз-ўн килограмм келадиган қўйлар бор. Бундай сердумба қўйлар шу қадар қўп ва арзон эдики, шоҳ лашқари Самарқандга йиғилиб келган кезлар бундай қўйларнинг бир жуфти бир дукат турарди. Бошқа моллар ҳам шу қадар арзон эдики, бир ярим фанега арпанинг баҳоси ярим реал эди. Нон, сув текин, гуруч эса ҳаммаёқни босиб кетган эди.

Самарқанд ва унинг атрофидаги ерларда ҳайратланарли даражада серобгарчилик эди. Мана шундай бойлиги туфайли Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Симескент, яъни бой қишлоқ, семиз уларда катта, кент – қишлоқ деган маънони англатади. Самарқанд ана шу номдан келиб чиққан.

Шаҳарнинг бойлиги озик-овқатларнинг мўл ва арзонлигидагина эмас. Бу ерда тўкиладиган атлас, кимҳоб, сендал ва терсеналь сингари шоҳи газламалар, мўйна ва шоҳидан тайёрланган астарликлар, упа-элик, пардоз моллари, зиравордориворлар, зарҳал ва кўк-ложувард бўёклар ва бошқа нарсалар ҳам мўл-кўл эди. Шоҳ шаҳарнинг шухратини ошириш борасида шу қадар кўп саъйи-ҳаракатлар қилдики, у қайси бир мамлакатни забт этган ва бўйсундирган бўлса, уларнинг ҳаммасидан одамлар келтириб, Самарқанд ва унинг атрофидаги ерларга жойлаштирди.

Шоҳ ҳар хил ҳунармандларни йиғишга, айниқса кўп ҳаракат қилди. Дамашқдан ҳар хил шоҳи газламалар тўкийдиган, камон ва бошқа қурол-яроғлар ясайдиган, шиша ва сопол идишлар ишлаб чиқарадиган ҳунармандларни, хуллас, дуч келган ҳамма ҳунар эгаларини олиб келган эди. Туркиядан ўк-ёй усталари, тош йўнувчилар, қўли гул заргарлар, хуллас шаҳарда қанча ҳунарманш бўлса барини олиб келган эди. Бундай муҳандислар, тўпчилар, машинага арғамчи тўқувчилар ва бошқаларни олиб келганди. Арғамчи тўқувчилар бу ерларда шу вақтгача расм бўлмаган наша ўсимлиги, зиғир экинларини ўстиришга киришдилар. Шоҳ турли томондан Самарқандга келтирган ҳар хил тоифадаги эркак ва аёлларнинг ҳаммаси, айтишларича, бир юз эллик мингдан ошиқ эди. Булар орасида турк, араб ва бошқа элатлар, арман христанлари, юнон католиклари, насторийлар, яқобитлар ва юзи билан ўтга топинувчи ўзига хос мазҳабга эга бўлган

христианлар ҳам бор эди. Олиб келинган ҳалойик ҳайратланарли даражада кўп эдики, шаҳарга, кўча ва майдонларга, қишлоқларга, ҳатто, шаҳар ташқарисига, дарахтлар остига, ёрларга ҳам одам сигмай кетган эди. Бундан ташқари, бошқа мамлакатлардан келтирилган моллар ҳам кўп эди. Русия ва Татаристондан чарм, қалин газмол, Хитойдан жуда яхши тўқилган шоҳи газламалар, айниқса, жаҳонда энг сара матоҳ ҳисобланган гулсиз атласлар, шунингдек, фақат Хитойда мавжуд бўлган мушк. ёқут, олмос, хуллас, бу мамлакатда мавжуд бўлган нарсаларнинг катта қисми, марварид, равоч ва кўплаб ҳар хил ҳушбуй зиравор-дориворлар олиб келишарди. Хитой моллари бошқа мамлакатдан келтирилган молларга нисбатан энг сифатли ва қимматбаҳо ҳисобланади. Хитойликлар ўзларини жаҳонда энг моҳир-устаси фаранг ҳисоблайдилар. Улар маврларнинг кўзлари кўр, оврупаликларнинг кўзи битта, бизнинг кўзимиз иккита, шу туфайли биз яратган моллар бутун жаҳонда ҳамма халқларникидан устун туради, дейдилар.

Ҳиндистондан энг аъло нав майда ҳушбуй зираворлар, мускат ёнғоклари, қалампирмунчок, мускат бўёғи, долчин бўёғи, анжир, оқшок, хуллас, Александрия салтанатига олиб борилмайдиган яна бошқа хил нарсалар Самарқандга келтирилади.

Самарқанддаги кўплаб бозорларда яхна ва бошқа усулларда дид билан пишириб тайёрланган парранша ва мол гўштлири, покиза ёпилган нон, сархил



мева-чевалар сотилади. Ушбу бозору майдонларда кечаю кундуз одам гавжум бўлиб, савдо-сотик узлуксиз давом этади. Шунингдек, кўплаб гўшт дўконларида кўй, товук, каклик, тустовук ва бошқа хил гўшт сотилади. Буларни истаган пайтда хариц қилиш мумкин.

Шаҳарнинг четида бир қаср бўлиб, сиртдан караганда у бўшлиққа жойлашгандай туюлади. Аслида қаср атрофи анхор суви оқиб турган чуқур ҳандак билан ўралган, мустахкам истехкомга айланган эди. Мазкур қасрда шох хазинаси сақланар, шу сабабли унинг энг яқин аъёнларидан бошқа ҳеч ким бу бинога киролмас эди. Бу ерда шох фармойишига биноан мингта яқин ҳунарманш асир сақланади. Улар салтанат учун йил бўйи совут, дубулға, камон, найза ясайдилар.

Шох Самарқанддан Туркияга ҳарбий юриш қилиб Дамашкни вайрон этганда, кўшин билан бирга бориши лозим бўлган кишиларга ўз хотинларини бирга олиб юришлари керак, деб фармойиш берган эди. Хотинларини қолдириб кетувчиларга эса истаганча эркишлик берилишини маълум қилади. Шох ўз душманларига қарши етти йил кураш олиб бориш ниятида эди. Етти йил ўтмагунча у Самарқандга қайтмасликка қасамёд қилган, Темурбек Самарқандга қайтгандан кейин ҳузурига Хитой элчилари келиб, бу юрт унга бошқариш учун берилганини, бунинг учун Темурбек ҳар йили хирож тўлаб туриши зарурлигини, етти йил давомида хирож тўланмаганини айтиб, тўлашни лозим кўрадиларми, дейди. Гапларингиз тўғри,

хирожни тўлайман, бироқ хирожни йўлда ўзлаштириб қўймасликларингиз учун мен уни ўз қўлим билан олиб бориб топшираман, деб ҳазиллашади, хирож тўлашни истамаган Темурбек. Мана саккиз йилдирки, Темурбек ҳам хирож тўлаган эмас, Хитой императори ҳам уни талаб қилиб одам юбормади.

Юсуф Хос Ҳожиб

### ДЕХҚОННИНГ ҚЎЛИ КЕНГ

Тагин бир тоифа бўлади – деҳқон,  
 Керакли кишилар бўлар ҳар қачон.  
 Булар билан якин бўлгин ҳамиша,  
 То томоқ ташвишин билмасдан яна.  
 Қимирлаган жонга наф берар улар,  
 Ейишу ичишга жон берган шулар.  
 Нафас олган бутун тирик жонивор.  
 Деҳқондан бўлмоғи керак миннатдор.  
 Шубҳасиз сенга ҳам керак бу киши,  
 То тугал ҳал бўлсин томоқнинг иши.  
 Булар билан бирга бўла бер, қардош,  
 Тоза бўлар бўғзинг, ҳалол келар ош.  
 Саҳийликда йўқдир асло унга тенг,  
 Унинг бор вужуди: феъли, дили кенг.  
 Ундан ризқ топади қимирлаган жон,  
 У боис бор жонзот яшайди омон.  
 Буларга қўшилгин, аралаш ўзинг,  
 Доим яхши сўзла, очик тут юзинг.

## САВДОГАР – НОМИНГНИ ЭЛГА ЕТКАЗАР

Бундан бўлак гуруҳ колди – савдогар,  
 Савдо билан тинмай олар фойдалар.  
 Уларда бўлар бу олам орзуси,  
 Эл-юрт гўзаллиги, сара, эзгуси.  
 Туғардан Ботарга етказиб қадам,  
 Тилаган тилагинг етказар бекам,  
 Турли-туман ноёб, олам тансиғи  
 Буларда бўлур, эй билимдон, саҳий.  
 Бўлмаганда эди бу эл бариси,  
 Қандай келар эди сувсар териси.  
 Хитой карвони туғ тикмаса агар,  
 Қандай етар эди ипак-шоҳилар.  
 Савдогар юрмаса оламини кезиб,  
 Кўзда ким кўрарди инжуни тизиб.  
 Санай берса бу хил, анча гап кўпдир,  
 Тилни тийса аммо сўз чўзмай хўпдир  
 Шунда бўлар барча савдогар тўлик,  
 Уларга аралаш, доим пешвоз чик.  
 Урингин, уларни асра, эзгу тут,  
 Шунда эзгу номинг ёйилишни кут.  
 Элдан элга номни элтувчи булар,  
 Ёмон-яхши, улар ёйишар.  
 Агар сенга оз-кўп совға қилсалар,  
 Эваз қайтар, токи севинч олсалар.  
 Нозик бўлишади ҳисоб-китобда,  
 Бунга риюя эт қўшилган тобда.  
 Нима дер, эшитгин, кезиб юрган эр,  
 Бошидан кечирган, кўпни кўрган эр.  
 Ном ёймоқ истаса кимки жаҳонда,  
 Мусофирни эзгу тутсин ҳар онда.



Чинакам донг ёймоқ агар истаса,  
 Савдогарга берсин эзгулик хисса,  
 Эй ўғил, қилсанг гар эзгу ном орзу,  
 Мусофир карвонни тута бер эзгу.  
 Савдогарга кўшил фақат шу хилда,  
 Сўнг шодон яшагин севинчда элда.

## ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

Кечиримли бўлинглар, шунда сизларга ҳам кечиримли бўлишаци.

Касбнинг афзали ҳалол савдо ва кишининг қўл меҳнатишир.

Савдогарларнинг яхшиси молини яхшилик билан бериб, яхшилик билан олувчисишир (ўз вақтида бериб, ўз вақтида олувчисишир).

Савдогарнинг ёмони – ёмон муомала килувчисишир (бериши ҳам ёмон, олиши ҳам ёмонлик билан).

Ҳаромлардан сақлан, кишиларнинг обидроғи бўласан.

Агар арзон олиб қиммат сотиш пайида бўлсаларинг, чорва, деҳқончиликка берилиб, Оллоҳ йўлида жиҳод қилишни тарк этсаларинг, Оллоҳ таоло устиларингта бир хорликни юбораци ва бу хорликни то динларингта қайтмагунларингча устиларингдан олиб ташламайди.

Топилган молнинг энг тозаси (покизаси) кишининг пешона тери билан топилган мол ва беғирром ҳалол савдодан топилган пулидир.

Садақанинг афзали чанқаган кишига сув беришдир.

Бировга ҳадя бериб кейин қайтариб олган одам тўйгунча еб, кейин қусиб, қусганини қайтадан ялаган итга ўхшайди.

Савдога кўп қасам ичманглар, чунки қасам молни ўтказади, лекин баракасини кетказади.

Омонатдорлик ризқ келтиради, хиёнат фақирлик келтиради.

Савдолашаётган харидор сотувчи ихтиёридадир, то ажрашгунча (яъни бор барака деб байни кесгунча). Агар рост гапирилса, Оллоҳ томонидан савдога барака берилади. Агар ёлғон гапирилса, молнинг айби беркитилса, баракаси кетади.

Бир киши одамларга қарз берар эди ва хизматкорларига айтар эди: “Жуда қийналган одамга берган қарзингдан ўтиб юборгил, шоядқи Оллоҳ таоло биздан ўтиб юборса”. Шу банда Оллоҳ таолога йўликди, Оллоҳ таоло унинг ҳам гуноҳларини кечирди.

Неъмат оз бўлиб, шукрини адо этганинг кўп бўлгани шукрини адо этганингдан яхшироқдир.

Ҳаромдан унган ҳар бир эт ўтда – дўзахда ёнишга лойиқдир.

Мўминга хафалик келтирган ҳар нарса мусибатдир.

Ҳар бир яхшилик садақадир.

Етимларнинг молларини ҳам савдода айлангириб туришлар, закот уни еб тугатмасин.

Ризқнинг ўнтадан тўққизтаси савдода, биттаси чорвададир.

Сабрлилиқ ва иқтисодли бўлиш (тежаб сарфлаш) ва виқорли оғир-босиқ бўлиш пайғамбарлиқнинг 24 дан бир бўлагидир.

Ростгўй, омонатли савдогар пайғамбарлару сидик ва шаҳидлар билан охиратда бирга бўлади.

Кўрқок савдогар маҳрумдир, таваккалчи, ботир савдогар ризқланувчидир.

Тадбиркорлик – маишатнинг ярмидир, дўстлашиш ақлнинг ярмишир, ғам қариликнинг ярмига тенгдир.

Уч кишига қиёмат кунда Оллоҳ таоло гапирмайди, қоралайди ва уларни қаттиқ азоблайди: 1. Далада ўзидан ортиқ суви бору йўлдан ўтган йўловчига бермайдиган кишига. 2. Асрдан кейин савдо қилиб, Оллоҳ номига қасам ичиб, “мана шуни шунча пулга олдим”, – деб ёлғон гапириб мол ўтказган кишига. 3. Имомга дунё учун байъат қилган кишига, агар дунёдан берса вафо қилади, бермаса имомнинг буйруғига итоат этмайди.

Ҳалол ҳам аниқ ва равшан, ҳаром ҳам аниқ-равшан, шубҳалисини қўй, бешубҳасини ол.

Омонатли, буюрилган нарсани тўлиқ қилиб берадиган омборчи ҳам садақа берувчининг биридир.

Нарсани қарз беришлиқ уни садақа қилишдан ҳам яхшироқдир.

Бойлик молнинг кўплигига эмас, балки кўнглининг тўқлигидадир.

Мен ҳеч кимнинг ундай нарсам бор, бундай бор деб мақтанишини яхши кўрмайман.



Тежаб сарфлаган камбагал бўлмайди.

Кимки ўғрилиқ молни била туриб сотиб олса, ўғрининг айби ва гуноҳига шерикдир.

Кимки сотиб олган молини пушаймон бўлиб, қайтиб олиб келган одамнинг пулини қайтиб берса қиёмат кунида Оллоҳ тасло ҳам уни адашган жойида тўғрилаб қўяди.

Кимки қийналиб қолган қарздорга муҳлат берса, ҳар кунига ўша молни садақа қилган баробарида савоб олади, то муҳлат кунига етгунча. Белгиланган кунига етгач, яна муҳлат берса, ҳар кунига ўша молнинг икки баробарини садақа қилгани савобини олади.

Кимки ҳалол ризқ истаб меҳнат қилиб, чарчаб ухласа шу кечани мағфират қилинган ҳолда ўтказибди.

Кимки бир ҳовлини сотса-ю, ўрнига ҳовли олмаса, сотилган ҳовлининг пули унга барака қилмайди.

Кимки бир айбли нарса айбини айтмай сотса, доимо Оллоҳнинг ғазабида бўлади ва фаришталар ҳам унга лаънат ўқийдилар.

## ОСИЙ ҚАВМНИНГ ҲАЛОКАТИ

Шом атрофидаги Маҷян деган жойда бир араб қавми яшар эди, уларнинг шаҳари карвонлар кўниб ўтадиган қулай манзил бўлганлигидан, бу қавм савдо-сотикқа одатланиб, мол-дунё тўплашга

ружу қўйган, шу йўлда истаган разолатни ва ноҳақликни ҳеч бир тортинмай қилишаверар эди. Савдо пайтида тарозидан ҳам, ўлчовдан ҳам уриб қолиб, умуман тижоратда кўп хиёнат қилишарди. Энг ёмони, улар ягона Оллоҳга эмас, турли маъбуд-илоҳларга сиғинишиб ширк келтиришарди. Мана шундай гуноҳ-гумроҳликка ботган қавми Оллоҳ таоло ҳидоят йўлига даъват учун ўз кишилари бўлмиш Шуайбни пайгамбарликка ирода этди. Шуайб Машян яқинидаги Айка деган жойда таваллуд топганди.

Дин тарихидан аёнки, Куръони Каримда 25 пайгамбарнинг номлари зикр этилган бўлиб, улар турли миллатларнинг вакилларидир, шулардан тўрт пайгамбар – Худ, Солиҳ, Шуайб ва Мухаммад алайҳиссаломлар араб миллатига мансубдирлар. Шуайб пайгамбарнинг сифат-салоҳиятлари шунда эдики, у ўз қавмини гоят балоғот ва фасоҳатли равишда иймонга даъват этарди, шу сабаб унга “Пайгамбарлар хатиби” (“Хатиб” сўзи – хутба ўқувчи демақдир) номи берилганди. Шуайб ёқимли ва мулойим тарзда ўз қавмини залолатдан қайтармок учун панд насиҳат қилиб айтдики:

– Эй қавмим! Савдода хиёнат қилманглар (Тарозидан ва ўлчовдан бировнинг ҳақ-насибасини уриб қолманглар! Бут-маъбутларга ва бошқа илоҳларга сиғинманглар! Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилинглар!

Қавми унинг бу ҳидоятли панд-насиҳатларини тингладилару, лекин масхаралаб дедиларки:

– Эй Шуайб! Ўқийётган номозинг таъсир этиб, айниб қолдингми? Сен бизни ота-боболаримиз

сажда килиб келган тўғри йўл кўрсатувчи бутларга сизгинишдан қайтариб, ўз молимизни ҳоҳлаганимиздек сотишимизни таъқиқламоқчи бўлаясанми? Сен мулойим табиатли, ақлли, тузуккина одам эдингку, бунга қандай журъат этдинг?

Шунда Шуайб алайҳиссалом айтдики:

– Эй қавмим! Оллоҳ ато этган улугъ неъматларни, фазлу карамини аниқ била-кўра туриб, амри-фармониға зид иш қила олмайман. Сизларға бу панду насихатларимни фақат яхшиликни раво кўриб айтаяпман. Билингларки, агар Ягона Оллоҳнинг ўзигагина ибодат қилиб, амри-фармониға итоат этмасангизлар, Нўх, Худ ва бошқа пайғамбарлар қавмиға юборилган фалокат каби сизларға ҳам самодан ҳалокат тушгусидир.

Шуайб пайғамбарнинг бу каби ҳидоятли даъватлари қавмиға таъсир этмади, аксинча қавмнинг сардорлари Шуайбни ва унга иймон келтирганларни бу йўлдан қайтмасалар шаҳардан қувғин қилмоқчи бўлдилар, ўзлари эса иймон келтиришдан батамом бош тортдилар. Шундан кейин бу осий – гуноҳкор қавм фалокатға учраши муқаррар бўлди.

Шуайб пайғамбарнинг қавми бошиға тушган фалокат – даҳшатли гулдурос овоз ва зилзила оқибатида ҳалок бўлганлари ривоят қилинади. Ибн Аббосда ва бошқа манбаларда эса қуйидаги ривоят келтирилган. Шуайбнинг осий қавмиға қаттиқ иссиқлик фалокати юборилган. Иссиқ зўрлиғидан улар уйларига қочиб киришди, лекин ғоят иссиқликдан диққинафас бўлиб, нафас ололмай қолдилар, уйларидан қочиб далага чиқа бошладилар,



шу пайт самода бир туркум булут пайдо бўлиб, соя солши, ҳамма югуриб келиб унинг кўланкасига тўпланди, бир оз ором олгандек ҳам бўлишди, ҳамма қавм шу ерга жамул-жам бўлгач, ерга соя солиб турган булутдан ўт-олов пуркалиб, ерда қаттиқ зилзила юз берди ва осий қавмнинг ҳаммаси ҳалоқ бўлди. Оллоҳнинг марҳамати билан Шуайб пайғамбар ва унга иймон келтирганлар эса омон қолишди.

Воқеа фақат шу билан тугамайди. Оллоҳ Шуайб пайғамбарни, ўз шаҳри Мадян яқинидаги Айқада яшовчи қавмни ҳам ҳиҷоятга чакиришга даъват этади. Шуайбнинг ҳалокатга учраган қавми каби бу қавм ҳам гуноҳ-залолатга ботган бўлиб, улар тарози ва ўлчовларда одамлар ҳақиқага хиёнат қилардилар. Шуайб алайҳиссалом бу қавмга кўпдан-кўп далил-ҳужжатлар билан Оллоҳнинг яғоналигини эътироф этиб, ёлғиз ўзига ибодат қилишни, савдосотикда ҳалол бўлишни, ҳиҷоят йўлига ўтишни панд-насиҳат этди, лекин бу қавм ҳам ўз билганидан қолмай, Оллоҳнинг элчиси даъватига кўнмай, ниҳоят самовий балога гирифтор бўлдилар.

Оллоҳ таоло Қуръони Каримнинг оятларида пайғамбарларнинг даъвати, панду насиҳатларига бўйсунмай осийлик қилган қавмларни қаттиқ азоб билан жазоланганларини далил-ҳужжатлар асосида эслатади. Шу билан бирга, одамлар ҳақиқага хиёнат қилувчи бандаларни Қиёмат куни қандай жазолар кутишини очиқ эътироф этадики, бунини каломуллонинг бир неча ўринларида ўқиймиз. Қуръони Каримнинг “Ар-Раҳмон” сураси 9-оятда бундай дейилган: “Эй инсонлар, ўзаро олди-берди

муамолаларингизда тўғри, адолат билан тортиглар ва тарозидан уриб қолманглар!”

Муқаддас бу ояти калимани ҳар бир киши дилига жо этиб, унга амал қилмоғи шарт! Бозорларда, гўшт ва озиқ-овқат махсулотларини сотувчи дўкон-расталарда, кўйингки, тарози орқали муомала қилинадиган ҳар бир ишда мўмин-мусулмонлар ниҳоятда ҳушёр ва эҳтиёт бўлмоқлари зарур. Оллоҳнинг эслатмасини ва пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломнинг таъқишларини ёдда тутмоқ керакки, кишилар ҳаққидан уриб қолганлар охиратда қаттиқ азобга дучор бўлади.

Хўш, Охират нима? Бу, охир замон бўлиб ҳамма тўпланадиган, Оллоҳ олдида ҳар бир кишининг бу дунё-ҳаётда қилган савоб ёки гуноҳ иш-аъмолларидан ҳисоб-китоб берадиган кун – Улуғ Маҳшар кунидир. Бу ҳақда Куръони Каримнинг “Мутаффифун” (“Бировларнинг ҳақларидан” уриб қолувчилар”) сурасида бундай дейилади:

“Ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай! Улар одамлардан бирон нарсани ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Улар ўзларининг улуг бир кунда – барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурини тик туриб ҳисоб-китоб берадиган қиёмат Куниди қайта тирилгучи эканликларини ўйламайдиларми?!” (“Мутаффи-фун” сураси, 1-6-оятлар, Алоуддин Мансурнинг ўзбекча изоҳли таржимаси).

Тўрт кунли бу дунё-ҳаётнинг маишат-роҳатини ўйлаб, фақат ўз фароғатини кўзлаб яшайдиган кимсалар борки, улар: “Ҳар қандай бўлса ҳам давру даврон суриб қолай, ҳаётга бир марта келамиз-ку, у ёғи бир гап бўлар”, деб хом ҳаёл қиладилар, шу тариқа бировнинг ҳақидан ҳазар этмоқни, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмоқни унутадилар. “Умр – тез эсанг шамол” дек ўтиб кетади, инсоннинг иккинчи ҳаёти-умри у дунёда бошланади, Улуғ ҳисоб-китоб куни бу дунёнинг маишат-роҳати деб орттирилган барча гуноҳ-ҳаром ишлар учун даҳшатли азоб-дўзах азоби берилади. У пайтда тавба-тазарру фойда бармайди. Бу тўрт кунлик дунёдан Ҳақ таоло йўлини маҳкам тутиб ўтадиган ҳалол, одил, софдил ва иймонли бандалар учун тайёрлаб қўйилган соадати абадийя – жаннат мавжудки, бу, муқаддас китобларда қайта-қайта зикр этилган, агар кимда бунга шубҳаю гумон бўлса, у гуноҳкор ҳисобланади.

Иймонли бандалар Исломнинг энг асосий мақсади – Ҳақ йўлидан тоймасдан Тўғри йўлдан юрмоқни шарт ва фарз биладилар.



Абу Ҳомид Муҳаммад ибн  
Муҳаммад ал-Ғаззолий

## КИМӢИ САОДАТИ ТУРКИ

### Бозордаги муомалат ва одоб баёнида

Аввалги эҳтиёт улки, ҳар кун бомдоддин кейин яхши ниятларни кўнглидан тоза қилгай. Бу ният бирла бозорга боргайким, ўзининг ва аҳли аёлининг рўзонасини қўлга келтургай. Фароғат бирла кун ўткаргай. Билки, Худойи таолонинг ибодатин қилмакда беташвиш бўлгай (сен). Ва ният қилгайким, амри маъруфни бажо келтургай, вақтики бу ниятларни қилса, қилгон ишлари охиратлик амалига ҳисоб қилинур. Дини, иймони тўла бўлур. Агар дунёлигини хайрати қўлга келтурса баракат ҳосил бўлур.

Иккинчи эҳтиёт улки, дунёга кўнгили боғламагай. Бир кун тамом умр кўрмоқини жазм қилмагай. Агар хунарманд бўлмоқни хоҳласа, ҳалойиқга манфаати етадургон хунарни ихтиёр қилгай. Шариат ҳукмида макруҳ нимарсаларни қилмақни ихтиёр қилмагай. Чунончи, заргарлик ва абришим мато (ипак) тўқимоқниким, (буни) эрлар истеъмол қилмоғи макруҳдир. Хабарда келубдурким, тижоратнинг баҳрроқи деҳқончиликдур ва хунарнинг баҳрроқи дўзандаликдур. Хабарда келубдурким, агар тижоратмандлардин беҳиштга кирса, деҳқон кирадур. Агар хунармандлардин дўзахга кирса сарроф кирадур.

Учинчи эҳтиёт улки, дунё бозорлари охират бозорида масжидлар бордурким, масжидда намоз ўтамакдин ва зикр, тасбеҳ этмоқдин гофил бўлмағайким, Ҳақ таоло хабар берурким, огоҳ бўлунглар, токим дунёнинг тижоратлари Сизларни Худои таоло зикридин тўхтатмағайким, зиёнкор бўлурсизлар. Ҳазрат Умар розиаллоҳу анҳу савдогар ва хунармандларга айтур эдиларким, аввал рўзда охират амалини қилинлар, андин кейин дунё ишига машғул бўлинлар. Ва муқаддамлар одатлари ул эрдиким, эрта ва оқшом охират ишига машғуллик қилур эрдилар. Ё масжидда Ҳақ таолони зикрига машғул бўлур эрдилар, ё уламолар мажлисида ҳозир бўлур эрдилар. Хабарда келубдурким, ҳар куни фаришталар банданинг қилғон амал хатини осмонга элтурлар. Аввал рўз ва охир рўзда яхши амал қилғон бўлса, бу икки вақтнинг орасида қилғон гуноҳики мағфират қилурлар. Хабарда келубдурким, кеча ва кундузнинг фаришталари ҳар бора навбатларини тугатиб ёнсалар. Ҳақ таоло хитоб қилурким: фаришталарим, бандаларимни нима ҳолда қўюб келдинлар? Фаришталар айтур: намоз ўтаб қолдилар. Ҳақ таоло айтур: гувоҳ бўлинларки, ул бандаларимни мағфират қилдим. Ҳар вақтки, азон унини эшитсалар, қилур ишидин тўхтаб, жавоб бўлғай (намоз ўқишга киришгай).

Тўртунчи эҳтиёт улки, бозорда зикр, тасбеҳ этмоқ ва Ҳақ таолони ёд қилмоқдин гофил бўлмағай ва билғайким, ҳамма авомни сўзини қўлга келтурғон Ҳақ таоло зикридин бир соат гофил бўлгонча арзимас. Ҳазрат расули карим саллоллоҳу алайҳивасаллам айтибдурларким, гофиллар орасида

Ҳақ таолога зикр айтувчи курук дарахтлар орасидаги сабз дарахтга ўхшашдур ва ўлуклар орасида тирикга ўхшаш ва жангдин қочгонлар орасида гозий ва муборизга ўхшашдур. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар, кишиким бозорга кирса ва айтсаким, Қодир (Худо) ул кишига минг-минг савобни битурлар. Ва Ҳазрат Шайх Жондор раҳматуллоҳи алайҳ айтур: бозор ичида кимарса борким, ҳар куни уч юз ракаат ўтар, ўттиз минг тасбеҳ айтур. Алҳосил, ҳар кишиким, дунё топмоқга машғул бўлса, охиратлик сармойасидан ғофил бўлмағай. Ва кишиким, дунё жам қилмоқ васвасасига қолибдур, агарчанчки масжидда бўлса (ҳам) парокандалик ва ташвишликдан ҳоли бўлмас.

Бешинчи эҳтиёт улки, бозорга чикмоқга хирс бўлмағай, андоғким, бозорга кирар халқнинг аввали, бозордин чиқар халқнинг охири бўлмағай. Дунё талабида узоқ хатарнок сафар ихтиёр қилмағайки, бу хирсликни дилидур. Муовжабил Ризо айтур, Иблиснинг ўғли бордурким, оти савдодур. Иблис бозор халқини ёлғон онт ичмоқ, макр ва хиёнат қилмоқга тарғиб қилмоқ учун ўз ўрнида ноиб қўйғондур. (Улар) бозорга илгари кириб, кейин чиқувчилар бирла тўла хамроҳчилик қилиб, макр ва фириб қилур. Бўлғайким, бозорга чиқувчи тўла хайр бирла чиққай, рўзонасига кифоят қилгунча савдо топса, уйига ёнғай. Хабарда келибдурким, бозор халқининг ёмонроғи улширки, бозорга ҳамадин илгари чиқғой (борғай) ва ҳамадин кейин уйига ёнғой. Салаф Раҳматуллоҳнинг одати бор эрдиларким, бозорга ҳафтада бир кундин зиёда



чикмас эрди. Ва ҳар куни чикқанлар ҳам намоз пешин бирла ёнар (кетар) эрди.

Олтинчи эҳтиёт улки, шубҳанок ишлардин йироқ бўлғай, ҳаромга йўламағайким, абаслик ва фосик бўлур ва золимлар зулмига ёрий бергон нимарсаларни сотмағай.

Еттинчи эҳтиёт улки, ҳар киши бирла муомала қилса, ростлик бирла муомала қилғай. Сўзлар сўзи ва қилур иши ва олиш ва беришида ростлик пеша қилғай. Бузруклардин бири бир савдогарни тушида кўрди. Сўрадики: Худо таоло сенга нима қилди? Савдогар айди: (ғайбдин) эллик минг парча хат олдимга келдики, ҳаммаси гуноҳ ва маъсият (ноҳақлик) хати эмиш. Айтдиларким, сен дунёда эллик минг киши бирла савдо қилиб эрдинг, ул муомаланинг хатидур. Кўрдимки, аввалдин охир ҳама менинг амалимининг хатидур. Билдимки, зарра чоғлик муомала амалини билғувчилар маҳдум ва диёнат ва ростлик қилғувчилар номағлумдур. Бас, ўн суннатдин бирини бажо келтурса, савоби азм топғусидир. Хабарда келубдур, ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар: умматларимга замона рав берурким, сизлар қилгон эҳтиётлардин ўннинг бирини бажо келтурсаларингиз кифоятдур. Арз қилдиларки, нима сабабдин? Ҳазрат расул алайҳиссалом айдиларким, сизлар эҳтиёт ишларин қилмоқда бир-бирингларга ёрсизлар. Охир замондаги умматларим гофил ва ғарибдурлар, билингарким, бу эҳтиётларни бажо келтурмак савобдур. Кишиким, охиратнинг дунёдин шарафлик эркониға иймони бўлса, беш кунлик дунёнинг

мехнати охиратнинг абадулабад подшолиги учун тортмоқ савобдур.

### **Касб ва тижоратнинг савоб ва фазилати баёнида**

Учинчи фасл – касб ва тижорат одоблари баёнида. Билгилки, бу дунё охират зодирахин тайёр қилмоққа манзилдур. Ва одам емоқ ва киймоққа мухтождур. Либос ва тўшак касб, хунар ҳосил қилмагунча ҳосил бўлмас бўлғайки, касб ва тижорат одобларини билгайсен. Кишиким ҳама ҳимматини дунё касбига сарф қилибдур, бадбахтлик нишонасидур. Кишиким, ҳамма ҳимматини охиратга сарф қилибдур, некбахтлик ва саодат аломатидур. Ва лекин мўътадилроқи улдурум, ҳама саховатини худо ва ҳам охират талабида гуфтўй қилгай. Имкон талабини фароғат ба амал солих қилмоққа сабаб бўлгай. Аммо ангаким, касб ва тижорат одоби билмоқ зарурдир. (Буни) беш бобда баён қилгумдур.

Аввалги боб – касб ва тижоратни(нг) фазилати баёнида, иккинчи боб – муомалаи нодуруст шартларини(нг) баёнида ва учунчи боб – касб ва тижоратда инсофга риоя қилмоқ баёнида, тўртинчи боб – эҳсон ва некукорлик баёнида. Бешинчи боб – касб ва тижоратнинг савоб ва фазилати баёнидадур.

Билгилки, ўзингни ва аҳли аёлингни холикдан (соф руҳдан) бениёз қилмоқ ва уларни ҳимматини касб қилмоқ илло шаҳид қилмоққа ўхшашдур. Ва аксар ибодатдин фозилроқдур. Бир кун ҳазрат

расул алайхиссалом намози бомдошдин ёниб (чикиб), саҳобалар бирла ўлтурар эрдилар. Бир йигит булар олдицин суръат бирла ўтуб, бозорга бориб, (дўкониға) ўлтурди. Саҳобалар айдиким: дариго, мундоқ эрта қўбмоқ охират талабида (ниятида) бўлғай. Ҳазрат расул саллоллоҳи вассаллам айдилар: мундоғ демангизларким, агар бу йигит ўзини холикдин бениёз қилмоқ ва ота-онаси ва аҳли аёли нафақаси учун бу ишни қилса, Ҳақ таолоға ибодат қилганидур ва агар дунёға меҳр қилмоқ ва тўноғирликнинг лафзини урмоқ учун бу амални қилса, шайтонни(нг) феълицир.

Ҳазрат расул саллоллоҳи вассаллам айтибдурларким, халқдин беҳожат бўлмоқ ва ҳамсоя, хемовонларига, манфаат еткурмоқ учун дунёи ҳалол талаб қилса, ул кишини юзи қиёмат кунини ўн тўрт кунлик ойдек бўлғай.

Ҳазрат расул алайхиссалом айтибдурлар: луқманинг ҳалолроғи ҳунармандлар касбидин ҳосил бўлгон нимарсадур. Вақтиким ростликни пеша қилсалар, расул алайхиссалом айтибдурлар: тижорат қилинларким, рўзонадин ўн жиҳатдин тўккуз ҳиссаси тижоратдин ҳосил бўлғусидир. Расул алайхиссалом айтибдурлар: кишиким, халқдин ҳожат тиламакнинг васойиллиғини (афзаллиғини) лозим тутубдур, толеъ ул кишининг юзига муҳтожлик солмас ва дарвешликдин етмиш эшик очаргуси кимарсадин сўрадиларким, нима иш қилурсен? Ул киши айди: биродарим бордурким рўзонамни ул тайёр қилиб берадур. Исо алайхиссалом айтдиларким: биродаринг сендин ободроқ экан. Ҳазрат Умар розиаллоху анху



айтурким: касб ва тижоратдин илкларингни йиғманлар. Сизларга Ҳақ таоло ризқ берадур. Осмондин олтун ва кумуш берурмоқға одат жорий бўлмабдур.

Ҳаким Лукмон фарзандига васият қилибдурким: касб ва хунардин қўл йиғмағил. Кишиким дарвеш ва ҳожатманд бўлса, халойиқ ани дин ва мазҳабида шак қилурлар. Бузрукларнинг биридин сўрадиларким: Ҳақ таолога ибодат қилгувчи фозилроқму ва диёнат бирла тижорат қилгувчи фозилроқмудур? Ул азиз дедиким: диёнат бирла тижорат қилгувчи фозилдурким, шайтон бирла ғорат (жанг) қилур. Шайтон оғир олмоқ ва енгил сотмоққа қасд қилур ва можаронинг хилофида айш қилур.

Ҳазрат Умар розиаллоҳу анҳу айтурларким, улумни (қавм. элат) тобмоқға ҳеч ерни мундин зиёда дўст тутмасменким, бозорда бўлғаймен, ахли аёлим нафақаси учун ҳалол талаб қилғаймен. Аҳмад Ханбил раҳматуллоҳи алайҳдин сўрадиларки: нима деярсен, ул кишининг ҳақидаким, масжидда ўлтурур, Ҳақ таолога ибодат қилур. Айтурким, рўзонамни Худои таоло еткурадур. Аҳмад Ханбил дедиким: ул киши жохилдур, шариатни билмас. Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурларким: Худо гиружил менинг рўзонамни бандалари салоҳға келтурмакка ва албаст қилибдур, яъни ғароти шайтон қилмоқға албаст қилибдур.

Бир киши Иброҳим Адҳамни кўрдиким, ўтин кўтариб бозорга кетиб борадур эдиким, (деди) токи бу машаққатни лозим тутурсен, биродарларинг ҳам бу хизматни кифоят қилурлар. Иброҳим Адҳам дедиким: сўзламағил, хабарда келибдур,

кишиким ҳалол талабида ўзига хуворликни (хурликни) лозим тутса, ул кишига беҳишт вожибдур.

Ҳазрат расул алайҳиссалом айтибдурлар: менга айтмайларким, мол жам қилгил, тожирлар ҳамласидин бўлғил. Билки, дециларким, тасбеҳ этгил, саждалар замирасидин бўлғил. Ва Ҳақ таолога ибодат қилгил, то охир умрингача. Бас, бу ҳадислар далолат қилурким, ибодат қилмоқ касб ва тижорат қилмоқдин фозилроқдур. Жавоб улки: билгил, кишининг ўзининг ва аҳли аёлининг ҳожатиға кифоят қилгунча дунёси бўлса, беҳилоф ул кишига ибодат қилмоқ касб ва тижорат қилмоқдин фозилроқдур. Кишиким, ҳожатидин зиёда дунё тобмоқ талабида бўлса, ул кишида ҳеч фазилат йўқтур, зиёнкордурким, дунёға кўнгул боғлагон бўлур. Ул кишиким, дунёси бўлмаса ва лекин ҳожатиға кифоят қилгунча мол вақфдин етиб турса, бу навъ кишига ҳам касб ва тижорат қилмаслик авло (афзал) роқдур. Бас, бу тарика кишилар бўлғайким, илм ва шарият ўрганмакка машғул бўлғай, токим, халойиқға охираат ишин баён қилиб, манфаат еткурғай. Ва ё илм талаб ўрганғайким, халқ сифатидин ишида манфаат еткурғай. Ва ё кишиким, қозилик ишиға мақсади бўлуб, халқни маслаҳатиға машғул бўлса ва ё кишиким, сафои ботин ҳосил қилиб, сунниларнинг зикр ва фикр тақалламиға машғул бўлса, ва ё кишиким, зохири ибодатда авродға машғул бўлса, буларнинг рўзонаси хонақоҳ ва вақфдин ва халқни назру садақасидин ҳосил бўлуб, кишидин бир

нимарса тиламакға ҳожат бўлмаса, буларға касб ва тижорат қилмоқдин ибодат қилмоқ авлодур.

Бузруклардин баъзилари бор эрдиким, уч юз олтмиш дўсти бор эрди. Ҳар кун бир дўстининг уйида меҳмон бўлиб, тоат-ибодатға машғул бўлур эрдилар. Ва баъзилари бор эрдиким, ўттуз дўсти бор эди. Ҳар дўстининг уйинда ойда бир кун меҳмон бўлуб, ҳамиша тоат-ибодатға машғуллик қилур эрдилар. Аммо кишидин бир нимарса талаб қилиб ўзига ҳуворлик етмагунча, маишати ҳосил бўлмаса, тижорат ва касб қилмоқдин ибодат қилмоқи авлодур. Ва лекин, касб ва тижорат қилмоқи авлодур.

Кишидин бир нимарса тиламак гуноҳ жумласидандур. Зарурат бирла бўлса ҳалол бўлур. Магар кишиким, мартаба ва даражаси билан бўлуб, ҳалойикға манфаати тўла етишса, кишидин бир нимарса тиламак бирла ҳуворлик етмаса, ул кишиға ва тижорат қилмай амал қилмоқ (хизмат бажармоқ) авлодур. Аммо кишиким, ибодат зоҳирига машғул бўлса, ул кишиға касб қилмоқ авлодурким, ҳама ибодатнинг ҳақиқати Ҳақ таолоға зикр этмоқдур, касб ва тижорат қилмоқда кўнгилни Ҳақ таоло зикриға тутқони бўлур.

### Тижорат одоблари баёнида

Одоби тижорат токим шариятга мувофиқ бўлғай. Билгилки, бу боб бисёр дароз эди, ҳаммасини китоби фикҳда баён қилдим. Аммо бу китобда аксар (кишилар) мухтож бўладурғон масалани



баён қилурмен. Андоғким, ҳама киши бу масалаларни билгай, агар мушкули бўлса, кишидин сўраб билгай ва агар бу масалаларни билмаса, харомхўр бо хўр бўлғуси – бийиъ (сотмоқ) ва рибо (пора) ва солим (қаноат) ва ижора ва қарз ва ширкат. Бас, бу ақидаларнинг жумла шартларидин баён қилғумдур.

Аввалги ақида бийиъдур. Бийиъ ва шимрони ва олмоқ ва сотмоқ амалини ҳосил қилмоқ ҳама мусулмонларга фарздурким, ҳеч кишига мунингсиз чора бўлмас. Ҳазрат Умар розиаллоҳу анҳу бозорга кириб, халқни даврасига қарайдилар ва айтур эрдиларким, олмоқ ва сотмоқ амалини ўрганмагунча ҳеч киши бозорга кириб муомала ишига қадам қўймагайким, ҳаромхўр, бо хўр бўлғусидур. Билгилки, бийиъни уч рукни бордур.

Аввалги рукн: олғувчи ва сотғувчидурким, ани маъқуд дерлар. Учунчи рукн олдим ва соттим демокдурким, ани ихбоб қабул дерлар. Аввалги рукн акидадурким, савдо қилғувчи беш тоифа бирла муомала қилмағай: Аввал – норасида, иккинчиси – девона, учинчиси – кишининг бандаси (қул), тўртинчи – нобино, бешинчи – ҳаромхўр. Аммо гўдак ноболиғ (балоғатга етмаган) бўлса, гарчандки валининг ижозаси бирла ҳам ҳазрат имом Шафини мазҳаби(да) бийиъ ва жимроси нодурустдур. Девона ҳам норасидага ўхшашдур. Кишиким, девона ва норасидадан бир нимарса сотиб олиб кўлида зое бўлса, зомин бўлур. Агар девона ва ё норасидага бир нимарса сотиб улар кўлида олмоқ ва сотмоқи нодурустдур. Шаҳар ҳунармандлари, мисоли қассоб ва шунингдеклар.

Дехқонларга лозимким, бандаси била муомала қилур бўлса, то хўжасидин дастур олмагунча муомала қилмағай. Ё маъмурдин аркони шахр ичида маъруф ва машхур бўлса, муомала қилмоқ дурустдур.

Аммо нобино (номаълум шахс) бўлса, то вакили пайдо бўлмагунча муомала қилмағай. Ва лекин нобинонинг қўлида зое бўлгон молни тавони лозим бўлур. Ҳар ики(си) нобино бўлса ҳам, мукаллиф ва зоддур. Аммо харомхўр, чунончи, золимдур. Чоғир сотғувчи ва горат қилғувчи ва матраб ва ёлгон гувоҳлик берғувчи ва расво олғувчи мунга ўхшаш тоифалар бирла муомала қилмағай. Агар бу тоифанинг ўзининг моли эрмаслиги маълум бўлса, бийиъ ботилдур. Ва агар киши моли ҳалол бўлуб, ҳароми камроқ бўлса, муомала дурустдур. Аммо шубҳадин холи эрмас. Ва аммо, агар аксар моли ҳаром бўлуб, камроқи ҳалол бўлса, зоҳир муомала ботил эрмас ва лекин шубҳа(лиғ)дурким, ҳаромга ёвукдур, хатари азимдур. Аммо жухуд ва тарсо бирла муомала қилмоқ дурустдур. Ва лекин мазҳабни ва мусулмон бандани уларга сотмоқ нодурустдур.

Агар ахли ҳарб (ҳарбий) бўлсалар, жанг ва ҳарб, силоҳ ва яроғжабдуқларини сотмоқ нодурустдурким, сотғувчи гуноҳкордур. Ва кишиким, чоғир ичса, номаҳрам хотун бирла мажлисда ўлтурмоқдин ўзини эҳтиёт қилмаса ва намоз ўқимаса ва унвон мусулмонида баён қилинган ёки шубҳадин эҳтиёт қилмаса ҳайфдурким, булар бирла муомала қилмоқлик ва ақида никоҳ (ақд) боғламоқ нодурустдур.

Иккинчи рукн молдурким, анинг муомаласи дурустдур. Молда ики шартни риоя қилгай. Аввалги шарт: палид ва ножинс нимарсани бийиъ шимроси дуруст эмасдур. Чунончи, тўнгуз ва нажосат ва чоғир ва ўзи ўлуб қолгон хайвоннинг гўштини, ёғини олмоқ ва сотмоқ бийиъ ботилдур. Аммо пок ёғга нажосат тушса, ани сотмоқ харом эрмасдур. Ва ифборнинг киндики бирла олмоқ ва пилла куртининг уруғини олмоқ ва сотмоқ дуруст.

Иккинчи шарт улки: манфаати мақсуд бўлгай, чунончи, сичқон ва илон ва мунга ўхшаш ҳашаротларни сотмоқ ботилдур. Аммо мушукни ва сакни ва асаларини увоси (уяси) бирла ва шер ва йўлбарс ва бўри, мунга ўхшаш нимарсаларга ўзидин ё терисидин манфаат олмоқ дуруст бўлса, олмоқ ва сотмоқ дурустдур. Тўти ва товус, мунга ўхшаш ҳушовоз ва ҳушранг жониворларни олмоқ ва сотмоқ дурустдурким, уларнинг манфаати етган роҳат суруридир. Чанг ва рубобнинг бийиъ (савдоси) ботилдурким, улардин (сотиб) манфаат олмоқ харомдур.

Ёғочдан қил(ин)ғон одам ва жониворлар суратини олмоқ ва сотмоқ харомдурким, (ани) синдирмоқ вожибдур. Аммо дарахт наботот суратини олмоқ ва сотмоқ дурустдур. Жондор суратини солиб қўйғон матони бийиъ дуруст, аммо киймак макрухдур.

Учинчи шарт улки: мол сотғучини ўз мулки бўлғойким, кишининг молини сотмоқ фосиддур (ёмондур).

Тўртинчи шарт улки: андоғ нимарсани сотгайким, олғучига топшурмоқга кадр бўлғой. Чунончи, қачон



савдога балиғ ва сувдаги куш ва ҳайвон ва канизакнинг курсоқидаги боласини сотмоқ нодурустким, таслимга қадир эрмас. Ҳайвонни энгини ујасида (бўталок борида) турғузиб (юлиб) ва сутини ичмоқида турғузуб (олиб, яъни юлуб) сотмоқ нодурустдур. Гаров қўйғон нимарсани то гаров қўйғучидин олмағунча сотмоқ нодурустдур. Канизакнинг боласи кичик бўлса, онасини боласидан айириб сотмоқ нодурустдур. Бирини бирдан айирмак нодуруст, ҳаромдур.

Бешинчи шарт улки: оладурғон молини микдори ва сифати маълум бўлғай. Чунончи, бир гуруҳ қўйлар орасидин бир қўйни ва ё бир тоқлик (ўрам) матонинг орасидин ишорат қилиб, ушбу ҳам (нарса) ва ушбу қўйни мунчага сотамен дегай. Ёнғоқ ва пистани ва бодомни ва лувияни пўсти бирла сотмоқ дуруст.

Учунчи рукн ихбоб (аҳбоб) ва қабулдурким, то олдим ва соттим демағунча бийи мунаққад бўлмас. Сотувчи соттим, олғувчи олдим дегай ва қабул қилдим дегай ё ушбу маънога далолат қиладурғон бир лафзни дегай. Бас, кам баҳо ва оғир баҳода бийиё тоқати дуруст, дебдурлар. Бийиё тоқати улшурқи, пулни мол эғасига бериб, молни харишор олмоқидур. Олдим ва соттим демоқ жоиздур. Чунончи, бир пулни бир нонга бериб, нонвой ул кишига берса (нонни) ва соттим, олдим демоқиға хожат йўқдур.

Иккинчи ақида рибодур, бир нимарсақим қилий бўлса ва ё вазний бўлса, ўз ҳабиға бир нимарсани зиёдасига сотмоқ ва олмоқ ҳаромдур. Қилий деб паймонлаб сотадурғон нимарсани, вазний деб

торазуда тортиб сотадурғон нимарсани айтурлар. Ул нимарсага ҳазрат расул алайҳиссалом килий деб айтибдурлар. Чунончи, бугдой ва арпа ва туз ва хурмо ва мош, бу нимарсалар килийдур. Агарчандки, урф-одатда паймонлаб сотмоқни тарк қилиб, тарозуда сотмоқ бўлса ҳам, вазний деб бўлмас ва ул нимарсага ҳазрат расул саллоллоху алайҳиссалом вазний дебдурлар. Чунончи, олтун ва кумуш ҳамиша вазнийдур. Агарчандки, тортиб сотмоқни тарк қилиб, паймонлаб сотмоқ жорий бўлса ҳам, килий дейилмас. Бу мазкурдин ўзгасини урф-одатга боқмоқ керак. Агар халқ орасида килий бўлса – килий, вазний бўлса – вазнийликга ҳукм қилинур. Бас, килийни килийга, вазнийни вазнийга, хоҳ нақд бўлсун, хоҳ насия бўлсун ҳаммаси баробар сотмоқ ҳалолдур. Агар бир нимарсаки зиёда бўлса, ҳаммаси ҳаромдур. Бир ҳайвоннинг гўштини яна бир қисми ҳайвоннинг гўштига баробар ва зиёда сотмоқ жоиздур. Чарви ёғини ва қуйрук ёғини зиёдасига сотмоқ жоиздур. Ва ёғни гўштга сотмоқ ва нонни бугдойга ва унга (баробарлар) сотмоқ дурустдир. Агарчандки, бири насия бўлса ҳам, дарбо бўлмас, хўжасини(нг) ва бандасини(нг) орасида ва мусулмон дар аҳробда пулни жазонага фойдага берса, рибо (раво) бўлмас.

Нашрга тайёрловчи: Абул Бозоров  
“Шарқ юлдузи”, 7/92

## Мундарижа

ЭНГ ТИНИК ЧАШМА .....	4
БИР ШИНГИЛ ЯХШИ НИЯТ .....	10
БОЗОР ТАЪРИФИ .....	11 ✓
ШАРҚОНА БОЗОР ҚАДРИЯТИ .....	13
БАРАКОТЛИ ДАСТУРХОН .....	17
ЎЗ ХИСЛАТИ, ЎЗ ФАЗИЛАТИ .....	20
БОЗОРИ ШАБ – ТУНГИ БОЗОР .....	23
САВДОГАР КИМ? .....	28
ИПАК ЙЎЛИ – НАЖОТ ЙЎЛИ .....	35
БИР БУТУН БЎСТОН БЎЛУР .....	42
ТУРКИСТОН БОЗОРИ .....	43
ЯХШИ МУЛОҚОТ – ИККИ ДИЛГА МУКОФОТ .....	46
ҒАФУР ҒУЛОМ БЕШЁҒОЧ БОЗОРИДА .....	51
АЛП ЖАМОЛ – ПОКДИЛ ЙИГИТ ЭДИ .....	58
ХОРМАНГ, ОҚСОҚОЛЛАР! .....	62
ЎҒРИСИЗ БОЗОР БОРМИ? .....	65
ЧОЙХОНАСИЗ БОЗОР – ЧЎЛ! .....	69
БУЮКЛАР ТАЪРИФИДА .....	75
САМАРҚАНДАГИ АМИР ТЕМУР САРОЙИГА САЁХАТ КУНДАЛИГИ .....	78
ДЕХҚОННИНГ ҚЎЛИ КЕНГ .....	86
САВДОГАР – НОМИНГНИ ЭЛГА ЕТКАЗАР .....	87
ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР .....	88
ОСИЙ ҚАВМНИНГ ҲАЛОКАТИ .....	91
КИМЕЙИ САОДАТИ ТУРКИ .....	97



Билол Аминов, Мирзакалон Шодиев,  
Тўлқин Расулев

## ШАРҚОНА БОЗОР ФАЗИЛАТЛАРИ

Илмий – оммабоп рисола  
Тошкент, 1996 й.

Мухаррир Масалиева О.  
Бадий мухаррир Муинов О.  
Техн. мухаррир Бекиева Д.

Босишга рухсат этилди 26.03.96. Ёзув қоғози.  
Бичими 841081/32. Нашриёт ҳисоб табағи 7,0.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 303

Университет нашриёти. Тошкент. 700095, Талабалар  
шаҳарчаси. ТошДУ бош биноси.

Оригинал-макет "ЎзФанТ" ҳиссадорлик жамияти  
томонидан тайёрланди. Тошкент, 700047, Гоголь  
кўчаси, 70.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси  
Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. 700194,  
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.



